ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 1996 йил, 19 октябрь шанба № 126 (765). ● Сотувда эркин нархда.

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Суббота, 19 октября 1996 г. № 126 (765). ● В розницу — цена свободная

Газета издается с 24 июня 1992 г.

Покистон Президенти Ўзбекистонга келди

Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги ҳамкорлик кейинги йилларда тобора равнақ топаётир. Бугунги кунда мамлакатимизда юздан зиёд қўшма корхонанинг фаолият кўрсатаётгани, савдо-сотиқ, маданий алоқаларимизнинг ривожлана бориши икки мамлакат халқлари манфаатларига хизмат қилмоқда.

18 октябрь куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов таклифига биноан Покистон Президенти Фарух Аҳмадхон Легҳарийнинг мамлакатимизга расмий ташриф буюриши давлатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлаш йўлидаги якги қадам бўлди.

Шу куни Дўрмон қароргоҳида Покистон Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Покистон Президенти Фарух Аҳмадхон Легҳарий махсус шоҳсупага кўтарилдилар.

Ҳар икки Давлат Мадҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтгач, Ўзбекистон ва Покистон ҳукуматлари расмий делегациялари аъзолари билан ўзаро танишдилар.

Олий мартабали меҳмонни кутиб олиш чоғида Ўзбекистон ҳукумати аъзолари, мамлакатимиздаги ҳорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Покистон Президенти Фарух Аҳмадхон Легҳарий ўртасида яккама-якка суҳбат бўлди. Президентлар ҳар икки давлат ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар борасида фикр алмашдилар.

Покистон Президентининг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда.

(ЎзА).

ТИКЛАНГАН ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ ТАНТАНАСИ

ТОШКЕНТ

Сохибқирон юбилейи қутлуғ маросим — пойтахтимизда Темурийлар тарихи давлат музейининг тантанали очилиши билан бошланди.

18 октябрь — муборак жума тонги. Музей ҳовлиси Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган жамоатчилик вакиллари, хорижий мамлакатлардан ташриф буюрган меҳмонлар билан гавжум.

Маросимга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташриф буюрди.

Ўзбекистон мусулмонлари диний идораси раиси, муфти Мухтор ҳожи Абдуллаев фотиҳаси билан хайр-эҳсон учун келтирилган қўйлар сўйилиб, шаҳримиздаги меҳрибонлик уйларига — болаларга инъом этилди. Бу халқимизнинг қадимий саховатпешалик анъаналари давом этиб келаётганидан далолатдир.

Сохибқирон доимо олиму уламоларга, дин пешволарига, фозилу ижод аҳлига беқиёс ҳурмат кўрсатган. Масжиду мадрасалар қурдирган Амир Темур руҳларига бағишлаб Қуръони Каримдан оятлар ўқилиб, дуои фотиҳа қилинади. Удумларимизга биноан меҳмонларга ош тортилади, мумтоз қўшиқлар ижро этилади.

Карнай-сурнай садолари музей очилишига бағишланган тантанали маросим бошланишидан дарак беради.

Темурийлар тарихи давлат музейининг очилишига бағишланган тантанали митингни Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов очди. Ўзбекистон Давлат Мадҳияси янграйди.

Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Мамлакатимиз раҳбари муҳташам музейнинг қисқа вақтда қуриб битказилгани ва осори-атиқалар билан тўлдирилгани буюк бобокалонимизга бўлган ҳурмат ва эҳтиром рамзи, маданий ҳаётимиздаги улкан воқеа эканини таъкидлади.

Юртбошимиз алвон лентани қирқади. Музей очиқ деб эълон қилинади.

Президент Ислом Каримов ва республика ҳукумати аъзолари музей экспонатлари билан танишдилар.

Темурийлар тарихи давлат музейи жаҳон андозалари талабига мос даражада ниҳоятда тезкорлик билан ишга туширилди. Бу иншоотнинг умумий майдони беш минг квадрат метрни ташкил этади. Музей қурилишида бутун республикамиздан мутахассислар қатнашди. Асосий қурилиш материаллари вилоятларимиздан келтирилди. Бунёдкорлик ишларини бажаришда «Тошкентўйжойинвестқурилиш» корпорацияси қурувчилари, Тошкент чинни ва керамика, «Миконд» заводлари, «Усто» корхонаси, Гославиянинг «Торевик» фирмаси ва бошқа ўнлаб меҳнат жамоаларининг фидойилари муносиб ҳисса қўшдилар. Зумрад рангида товланиб турган улкан гумбазни эса Тошкент авиация ишлаб чиқариш давлат акциячерлик жамияти мутахассислари тайёрлаб берди. Натижада буюк бунёдкор, илм-фан, санъат ҳомийси Амир Темур салтанатининг шукуҳига мос келадиган муаззам меъморчилик асари бунёд этилди.

Шундан сўнг Президентимиз Амир Темур ҳиёбонидаги Сохибқирон ҳайкали пойига гул қўяди.

Маросимларда Ўзбекистон Олий Мажлиси раиси Эркин Халилов, Бош вазир Ўткир Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Амир Темурнинг 660-йиллик юбилейини ўтказиш республика ташкилий қўмитаси раиси Исмоил Жўрабеков, Президентнинг Давлат Маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раиси ва Бош вазир ўринбосарлари иштирок этдилар.

Темурийлар тарихи давлат музейи очилишига бағишланган тантаналар кун бўйи давом этди. Тошкентликлар ва пойтахт меҳмонларининг музей билан танишуви бошланди.

САМАРҚАНД

Бу кўҳна шаҳар ва Амир Темур номи бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Зеро, буюк марказлашган давлат барпо этган Сохибқирон уни ўз мамлакатининг пойтахти қилган, унинг довруғини бутун дунёга таратган эди. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган асосий тантаналарнинг бу ерда ўтказилиши ҳам бежиз эмас.

Шу кунларда Самарқанд ўзгача шукуҳ ва гўзаллик касб этган. Шаҳар жамоатчилиги буюк бобокалонимиз тўйига пухта тайёргарлик кўрди. Ўнлаб тарихий обидалар таъмирланди, Сохибқирон номи билан боғлиқ қадамжолар обод қилинди, янги иншоотлар қурилди.

Бутун Республика Президенти Ислом Каримов Самарқанд шаҳрига келди.

Шаҳар аэропортида Президент Ислом Каримовни вилоят ҳокими А. Мардиев, Самарқанд шаҳри ҳокими А. Носиров ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Машиналар кортежи шаҳарнинг юбилей арафасида бунёд этилган Амир Темур майдони сари йўл олади. Майдон байрамона безатилган. Сохибқирон таваллудининг 660 йиллиги ҳамда Самарқанд шаҳрининг Амир Темур ордени билан мукофотланишини қутловчи алвонлар ҳилпираб турибди. Майдонга шаҳар меҳнат жамоалари, маҳаллалар, жамоат ташкилотлари, миллий маданий марказлар вакиллари ҳамда вилоятнинг барча туманларидан келган меҳмонлар йиғилган.

Президент Ислом Каримов ва унга ҳамроҳлик қилувчи кишилар майдонга кириб келадилар. Улар Амир Темур ҳайкали томон йўл оладилар. Президент рамзий лентани қирқади. Йиғилганлар кўз ўнгида музаффар Амир Темурнинг салобат тўкиб тахтда ўтирган сиймоси намоён бўлади. Ўзбекистон Давлат Мадҳияси янграйди.

Президент Ислом Каримов ҳайкал пойига гулчамбар қўяди. Самарқанд вилояти, шаҳри, ҳокимликлари ва меҳнат жамоалари вакиллари ҳам буюк бобокалонимизга ҳурмат бажо келтириб, ҳайкал пойига гуллар қўядилар.

Қутлуғ тўй арафасида республика Президенти Ислом Каримов Фармонига кўра Самарқанд шаҳри «Амир Темур ордени» билан мукофотланган эди. Бу ерда ана шу юксак мукофотни топширишга бағишланган тантанали митинг бўлиб ўтди. Уни Самарқанд вилояти ҳокими А. Мардиев очди.

Митингда Юртбошимиз нутқ сўзлади. Давлатимиз раҳбари Самарқанд аҳлини юксак мукофот билан қутлаб, Сохибқирон таваллуди байрами кунларида шаҳарга биринчи рақамли «Амир Темур» ордени топширилиши рамзий маънога эга бўлган тарихий воқеа эканлигини таъкидлади ва ушбу унутилмас кун — 18 октябрни «Самарқанд куни» деб эълон қилиш таклифини айтди. Таклифни йиғилганлар қарсаклар билан маъқулладилар.

Майдонга Самарқанд шаҳри байроғи олиб кирилади. Йиғилганларнинг қизғин олқишлари остида Ислом Каримов унга «Амир Темур» орденини қадаб қўяди.

Митингда сўзга чиққанлар Самарқанднинг юксак орден билан мукофотланиши шаҳарнинг Ватанимиз тарихида тутган беқиёс ўрни, самарқандликларнинг асрлар давомида миллий фан ва маданиятимизни ривожлантиришга қўшган буюк ҳиссасининг эътирофи эканини мамнунлик билан қайд этдилар. Орадан олти аср ўтиб Амир Темур ўз пойтахтига қайтганини, мустақил Ўзбекистонимизда янги уйғониш даври кечаётганини таъкидлаб, маданият ва маънавиятни юксалтириш, тарихий қадриятларни тиклаш борасида қилинаётган ишлар ҳамда эътибор ва ғамхўрлик учун мамлакатимиз Президентига миннатдорлик изҳор этдилар.

Сохибқирон ҳайкали очилиши ҳамда шаҳарга «Амир Темур» ордени топширилишига бағишланган анжуман билан Самарқандда буюк бобокалонимиз таваллудининг 660 йиллигига бағишланган тантаналар бошланди.

Байрам шодиёналари, сайллари давом этмоқда.



Мустақиллигимиз шарофати билан елкамизга офтоб тегди. Ўзлигимизни, не-буюк зотларнинг вориси эканлигимизни, теран тарихимизни англай бошладик. Бой маданий меросимиз халқ мулкига айланмоқда. Миллий қадриятларимиз кўнглимиз уйини, онгу шууримизни чироғ янглиғ ёритиб турибди. Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси, айтиш лозимки, жасорати билан Сохибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллик муборак санасини нишонлаш тўғрисида Фармон чиқарилиши, 1996 йил — Амир Темур йили деб эълон қилиниши бу борадаги ҳайрли ишларнинг юксак нуқтаси — гултожи бўлди. Яхшининг шарофати билан деганларидек, юбилей боис мамлакатимизда мисли кўрилмаган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилди.

Мана, орзиқиб кутилган дамлар — улуғ тўй кунлари етиб келди. Ҳар бир ватандошимиз тилида буюк бобоқалонимизнинг азиз номи такрор-такрор зикр этилмоқда. Шу кунларда бобомизнинг авлодлар эъзоз ва эҳтиросидан шод ва миннатдор руҳи юртимиз бўйлаб кезиб юрган бўлса, не ажаб...

ШАҲРИСАБЗ

Муборак юртимизнинг қадимий ўчоқларидан бири бўлган Шаҳрисабз Сохибқирон Амир Темурнинг болалиги кечган, унинг илк зафарларига, қувонч ва ташвишларига гувоҳ масканди. Бу қадимий шаҳар Хусрав Деҳлавий, Мирзо Бедил, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби кўплаб шеърият, фан даргалари, давлат арбоблари фаолиятига ҳам даҳлдордир. Бироқ, юртимизнинг, унинг гўзал Ватанимиз ободончилиги, маданияти ривожида Сохибқирон Амир Темурнинг ҳиссаси ғоят беқиёсдир.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 18 октябрь куни Шаҳрисабзга ташриф буюрди. Мамлакатимиз раҳбарини Қашқадарё вилояти ҳокими О. Пармонов, Шаҳрисабз шаҳри ҳокими А. Зайниддинов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Автомашиналар карвони қадимий шаҳарнинг «Буюк Ипак йўли» кўчаси бўйлаб Амир Темур номидаги майдон сари йўл олади.

Президент Ислом Каримов ва унга ҳамроҳлик қилаётган кишилар байрамона безатилган майдонга кириб келади. Майдоннинг қадим Оқсарой рўпарасидаги марказида Амир Темурнинг улуғвор ҳайкали ўрнатилган. Шуни таъкидлаш керакки, Сохибқироннинг Самарқанддаги ва Шаҳрисабздаги ҳар иккала ҳайкалини ҳам таниқли ҳайкалтарош Илҳом Жабборов яратган. Кўксингни ғурурга тўлдирувчи Ўзбекистон Маҳдияси оҳанглари остида Президент Ислом Кармов алвон лентани қирқиб, Сохибқирон ҳайкалини очади.

Амир Темур ҳайкали пойига Президент Ислом Каримов гулчамбар қўяди.

Шундан сўнг майдонда Шаҳрисабз шаҳрига «Амир Темур» ордени топширилишига бағишланган митинг бошланди. Митингни Қашқадарё вилояти ҳокими О. Пармонов очди.

Митингда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади ва Шаҳрисабз шаҳри байроғига юксак орденни қадаб қўйди.

Сўзга чиққанлар Ўзбекистон Президентига тарихий анъаналарни, миллий маданиятни тиклаш, боболаримиз номини улуғлаш борасида амалга ошираётган ишлари учун миннатдорлик билдирдилар. Сохибқирон таваллуд топган юрт бўйлаб тантаналар ва халқ сайли бошланди.

* * *

Президент Ислом Каримовга, Самарқанд ва Шаҳрисабз сафарида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Амир Темурнинг 660 йиллик юбилейини ўтказиш Республика ташкилий қўмитаси раиси Исмоил Жўрабеков, Президентнинг Давлат Маслаҳатчилари Темур Алимов, Хайрулла Жўраев, Бош вазир ўринбосари Саидмухтор Саидқосимов, Президентнинг матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Шу куни Президент Ислом Каримов Шаҳрисабздан Тошкентга қайтиб келди.

Аҳмад Хўжа,
Амирқул Каримов,
Шуҳрат Умиров,
ЎзА махсус мухбирлари.

ХАЛҚИМИЗ БОР ЭКАН, АМИР ТЕМУР НОМИ БАРҲАЁТДИР

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИНИНГ ОЧИЛИШИ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Ҳурматли меҳмонлар!

Қадрли оқсоқоллар, муҳтарам уламолар!

Бугунги муборак жума тонгида оллоҳ таоло барчамизни яна бир ҳайрли кунга етказди. Сохибқирон бобомиз — ҳазрати Амир Темур руҳини шод қилиб, унинг таваллудининг табаррук 660 йиллигини нишонламоқдамиз.

Биз бугун муқаддас Ислом динимиз буюрган бир фарзни — ўтган аждодларимизнинг руҳларни хотирлаш ва шод этишдек эзгу бурчимизни адо этмоқдамиз.

Муаззам пойтахтимиз Тошкент марказида улуғ Амир Темур номи билан аталувчи гўзал хиёбонда яна бир тарихий воқеанинг гувоҳи бўлиб турибмиз. Сохибқирон бобомиз ва унинг шавкатли авлодларига бағишлаб бунёд этилган муҳташам кошонанинг очилиш маросимида қатнашмоқдамиз. Бугунги маросим ота-боболаримиздан қолган қадимий одатларга биноан хатми Қуръон билан бошланди, юртга ош тарқатилиб, дуои такбирлар қилинди.

Кўпнинг дуоси — қўл, деган нақл бор халқимизда. Умид қиламизки, шу қутлуғ айёмда покиза ният билан қилган ҳайрли амалларимиз, олижаноб тилакларимиз тангримиз даргоҳида қабул бўлғусидир. Чунки, улуғ боболаримизнинг руҳларини шод этсак, уларнинг арвоҳларини рози қилсак, юртимизга файз, қут-барака ёғилади, халқимизнинг ризқи бутун, иймони мустаҳкам бўлғай, иншоолloҳ.

Халқимиз тарихида инсоний камолоти ва ижтимоий фаолияти билан доврўг қозонган, миллатимиз фахри бўлмиш улуғ зотлар бениҳоя кўп. Аммо улар қаторида юлдузлар аро қуёшдай чарақлаб турган бир буюк зот борки, у Ватанимиз кечмиши, бугуни ва эртасида беҳад юксак ўрин тутади.

Ул муҳтарам инсон Сохибқирон Амир Темур ҳазратлардир.

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, Амир Темур шахси яна Ватан ва миллат тимсолига айланди. Истиқлолимизнинг ҳар бир тадбирида, мустақил давлатимизнинг ҳар бир қадамида ул буюк зот руҳи бизга ҳамроҳу ҳамнафас бўлиб бормоқда.

Буюк шахсларни тарих яратади, дейдилар. Бунга қўшимча қилиб Сохибқирон бобомизнинг суронли ҳаётини ҳаёл кўзгусидан ўтказиб, буюк шахсларни миллат қайғуси, халқ дарди яратади, дейди дейиш мумкин.

Умрининг мазмунини **«Миллатнинг дардларига дармон бўлишдан иборат»** деб билган Амир Темур халқимизнинг ана шундай ардоқли, улуғ фарзандидир.

Муҳтарам жамоат!

Ҳаммамиз яхши биламизки, тарихда машҳур жаҳонгирлар кўп ўтган. Лекин, айтинг, дунёнинг қайси ерида, қайси замонда Амир Темурдек буюк саркарда, Амир Темурдек буюк давлат арбоби, Амир Темурдек илм-фан, маънавият ва руҳониият ҳомийси бўлган?!

Бугун — ҳаётимизнинг барча жабҳаларида адолат ва ҳақиқат қарор топаётган тарихий бир даврда шу фикрни алоҳида таъкидлашни истар эдим:

Амир Темур — бизнинг шаън-шавкатимиз, ғурур-ифтихоримиздир.

Амир Темур — халқимиз даҳосининг тимсоли, маънавий қудратмиз рамзидир.

Азиз дўстлар!

Биз ҳазрати Темурни буюк бунёдкор деб бошимизга кўтарамиз. Рўйи заминнинг сайқали бўлмиш Самарқандда, Шаҳрисабз, Бухоро, Тошкент ва Сохибқирон қурган бепоён салтанатнинг бошқа ҳудудларида бунёд этилган нодир меъморий обидалар, тенгсиз боғу роғлар Темурбек бобомизга хос амалий шижоат самарасидир.

У беназир зотнинг ўсмирлик йиллари мўғул истибдоди авжига чиққан йилларга тўғри келди. Бу пайтда Мовароуннаҳрдай гуллаб-яшнаган пойдор юрт тарихий номини ҳам йўқотиб, мустамлака ўлкасига — Чиғатой улусига айланиб қолган эди. Масжиду мадрасалар, кутубхоналар вайрон қилинган, суғориш иншоотлари ишдан чиққан, сон-саноқсиз солиқлар, келгинди ва маҳаллий амалдорларнинг жабр-зулми халқнинг силласини қуритган эди.

Бу каби чексиз адолатсизликдан ёш Темурбекнинг қанчалар изтироб чеккани бизнинг авлодимиз — сиз билан биз, айниқса, чуқур ҳис этамиз. Чунки орадан 6 аср ўтио, худди шундай кўргуликлар бизнинг ҳам бошимизга тушди.

Шавкатли аждодимизнинг ўлмас хизматлари шундаки, у мураккаб тарихий шароитда халқнинг бошини қовуштира билди. Истилочиларга қақшатқич зарба бериб, Туркистон заминида илк бор истиқлол байроғини баланд кўтарди. Пароканда мамлакатлар, эллар, элатларни бирлаштириб, марказлашган қудратли салтанат тузди.

Адолат кучда эмас, куч адолатдадир, деган шиор Амир Темур салтанатининг барча ҳудудларида бирдай амал қилиб, аҳлоқий-маънавий мезонга айланди.

Йигирма асрдан ортиқ тарихга эга бўлган Тошкент Амир Темурнинг муқаддас қадамжоларидан биридир. Жаннатмакон бобомиз қадим Шошга алоҳида эътибор билан қараган. Шу заминда ўтган Шайх Зайниддин бобо, Зангиота сингари кўплаб мўътабар зотларнинг мақбараларини обод қилиб, уларнинг руҳларини шод этган.

Олти юз йилдан сўнг биз — Амир Темурнинг бугунги ворислари Сохибқироннинг табаррук номларини тиклаш, руҳи покларини шод этишдек савобли ва шарафли ишга қўл уриб, шаҳри азим Тошкентнинг қоқ марказида

(Давоми 3-бетда).

АЗАЛИЙ БУЮКЛИК МАСКАНИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ САМАРҚАНД ШАҲРИДА АМИР ТЕМУР ҲАЙКАЛИНИНГ ОЧИЛИШИ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Қадрли Самарқандлик биродарлар!

Аввало, бугунги файзли ва тарихий бир кунда шаҳри азим Самарқандга, барча вилоят аҳлига беқиёс ҳурматимни, фарзандлик меҳримни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Аждодларни хотирлаш, уларнинг руҳини шод этиш халқимизнинг азалий удумидир. Бу муқаддас анъана авлодларни эзгуликка, ўтганлар олдидаги ворислик бурчини адо этишга чорлайди.

Бугун сиз билан ана шундай қутлуғ дақиқаларда учрашиб турибмиз. Фурсатдан фойдаланиб, иймон-эътиқодли фахрийларимизга, Самарқанд аҳлига, улуғ бобокалонимиз Амир Темур арвоҳини шод этиш учун йиғилган барча инсонларга самимий миннатдорчилик билдираман.

Азиз дўстлар!

Қачонки, биз Амир Темур ҳазратларини ёд этар эканмиз, Сохибқирон салтанатининг пойтахтини ҳам эҳтиром билан тилга оламиз.

Чунки Амир Темур ва Самарқанд тушунчаларини бир-биридан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.

Самарқанд — халқимиз, миллатимиз довруғини бутун дунёга таратган, мингминг йиллик тарихга эга иллоҳий масканимиздир.

Самарқанд — ўтмиши шарафли, бугуни саодатли, келажаги абадий шаҳардир.

Самарқанднинг ана шу оламшумул шуҳратига, тенгсиз салобатининг юксалишига, шонли тарихига беқиёс ҳисса қўшган зот бобомиз Амир Темурдир.

XIII асрнинг биринчи ярмида Самарқанд босқинчилар зулми туфайли ҳаробаликка юз тутган, қалъалар, масжидлар, мадрасалар қаровсиз қолган эди. Уша замонда юртимизга келган бир араб сайёҳининг шоҳидлик беришича, Самарқанд шундай ҳувиллаб ётардики, аввалги аҳолисининг чорак қисми қолган, меъморий обидалар вайронага айланган, ариқлар кўмилиб кетган, шаҳар сувсиз, боғлар қуриб битган эди.

Сохибқирон бобомиз ана шундай мураккаб бир даврда тахт тепасига келди.

У Самарқандлик гуллаб-яшнаши учун бутун умрини сарф этди.

Бобокалонимиз Самарқандни жаҳондаги энг катта ва қудратли давлатнинг пойтахти сифатида буюк нуфуз касб этишини, мисли-сиз гўзал ва обод бўлишини, ҳар томонлама тараққ-

(Давоми 3-бетда).

СОҲИБҚИРОН КАМОЛГА ЕТГАН ЮРТ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ШАҲРИСАБЗ ШАҲРИДА АМИР ТЕМУР ҲАЙКАЛИНИНГ ОЧИЛИШИ МАРОСИМИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам дўстлар!

Бугун Темурбек бобомизнинг қадимий юртида, мард ва танти, ҳалол ва шижоатли, ориятли баланд, иймони бутун инсонлар юртида туриб авваламбор гўзал Шаҳрисабз аҳлига, бутун қашқадарёликларга эзгу тилакларимни изҳор этаман!

Қадимий ва табаррук Шаҳрисабз замини ғоят қутлуғ маскандир. Жаҳон маданияти бетимсол намоёндаларининг зуваласи мана шу тупроқдан олинган. Хусрав Деҳлавий, Мирзо Бедил, Мирзо Ғолиб каби алломаларнинг ота-боболари худди шу жойда камол топгандар. Лекин бу эл-юртни бутун жаҳонгамашҳур этган, донғини таратган зот, шубҳасиз, Сохибқирон Амир Темур бобомиздир.

Ҳазрати Амир Темурнинг бутун суронли умри, унинг бунёдкорлик билан йўғрилган фаолияти салкам етти асрким, халқимиз, мамлакатимиз номини оламга ёйиб келмоқда. Бу номни мустабид тузум қанчалик топташга уринмасин, дунёнинг пок ниятли кишилари улуғ аждодимизга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатишни ўзларига шараф деб билганлар.

Муборак истиқлол бобомизнинг номини қайтиб берди, унинг руҳини шод этди.

Амир Темурдай улуғ зотни камолга етказган ота макон — табаррук Кеш юртининг миллатимиз тарихида, шу заминда яшаётган эл-улуснинг бошини қовуштиришда ўрни беқиёсдир.

Бобокалонимизнинг Туркистон диёрини босқинчилардан халос қилиш йўлидаги жасур ҳаракатлари айнан шу мўътабар юртдан бошланган.

Сохибқирон ўз ота маконини беҳад қадрлаган. Бу макон Амир Темур ҳазратларининг наинки ота-боболари, балки пиру устозлари ва фарзандларининг ҳам ҳоки поклари билан муҳаррам бўлган. Буюк бобомизнинг тўнғич ўғли Жаҳонгир Мирзо худди шу ерда мангу уйқуда ётибди.

Ҳазрати Темур ўз олдига улуғвор мақсадларни қўйганида, аввало ўз элига, ўз она юрти — Кешга ишонган ва унга таянган. У қайси бир сафаридан қайтмасин, даставвал Кешни зиёрат қилган, азиз-авлиёларнинг қадамжоларини тавоф этган, ҳамюртларининг дуо ва маслаҳатларини олган.

(Давоми 3-бетда).

ВОЕННАЯ СВЯЗЬ—В НАДЕЖНЫХ РУКАХ!

СВЯЗИСТ—ПРОФЕССИЯ ПОЧЕТНАЯ

В настоящее время подразделения и части войск связи Вооруженных Сил Республики Узбекистан представляют собой оснащенные современной техникой, укомплектованные высококлассным личным составом специальные войска, которые решают сложнейшие задачи по обеспечению управления войсками, силами и оружием во всех видах Вооруженных Сил и родах войск.

В современных условиях роль войск связи в Вооруженных Силах еще более возросла. Наряду с количеством и качеством боевой техники и оружия связь стала важнейшим показателем боевой мощи Вооруженных Сил.

Оборонительный характер Военной доктрины Республики Узбекистан предъявляет к войскам связи требования — постоянно находиться в высокой степени боевой готовности и повышать преимущественно качественные параметры военной связи.

Современная система связи — это сложный, многофункциональный организм, включающий многочисленные узлы связи различного назначения, многие тысячи километров линий радиорелейной, тропосферной, проводной и других видов связи.

Экономические возможности нашего государства, развитие отечественной техники, а также проводимые в последние годы исследования позволяют в скором времени перейти к новым принципам создания систем связи. Улучшается организационная структура войск связи, разрабатываются и внедряются более эффективные комплексы средств связи и автоматизации.

В то же время следует подчеркнуть, что сама по себе техника связи, как бы совершенна она ни была, не решает задачи сама. Связь организуется и обеспечивается прежде всего людьми. Причем успех выполнения задачи, непрерывность, достоверность и качество связи нередко зависят от одного офицера, прапорщика, сержанта или солдата. Поэтому все специалисты войск связи должны иметь хорошую профессиональную подготовку. После обретения независимости подготовка офицерских кадров для войск связи ведется на специальном факультете Ташкентского электротехнического института связи. Уже состоялось несколько выпусков лейтенантов, достойно занявших свое место в строю.

В Вооруженных Силах Республики Узбекистан создана система подготовки и обучения младших специалистов связи, где за полгода новобранец из робкого призывника превращается в грамотного специалиста, познавшего не только азбуку армейской жизни, но и освоившего сложнейшую технику связи. По отзывам из частей, в которые попадают для дальнейшего прохождения воинской службы выпускники, большинство из них отличают хорошая войсковая выучка, высокие теоретические знания и необходимые практические навыки. Особенно отличаются высоким профессионализмом подчиненные офицера М. Расулова.

Следует также отметить воинов-связистов из подразделения, где служит офицер О. Намозов. Здесь успешно справляются с поставленными перед ними задачами любой степени сложности, обеспечивая связь вышестоящих штабов с подчиненными, при проведении учений и тренировок.

Мало кто задумывается о том, какой путь проделывает корреспонденция, отправляемая служебной почтой. О том, насколько нелегок этот путь, может рассказать подполковник М. Анисимов — командир части, которая занимается сортировкой и доставкой по назначению служебных почтовых отправлений. Небольшой, но дружный и сплоченный коллектив под его руководством не допускает ошибок и сбоев в работе, и ежедневным подтверждением этому является своевременно доставляемая корреспонденция.

В любое время суток обеспечивают телефонной и телеграфной связью специалисты узла связи под командованием майора Х. Шарипова. Всегда приветливы и добросовестны голоса телефонисток, но не все абоненты представляют, сколько труда вложено специалистами этой части для того, чтобы телефонная и телеграфная связь с любым военным гарнизоном на территории нашей республики была обеспечена непрерывно и в кратчайшие сроки.

Военные связисты всегда, в самых сложных условиях остаются верными Президенту, Военной присяге, своему народу. В духе преданности своей Родине, верные заветам великого полководца и государственного деятеля Амира Темура, воспитывают подчиненных подполковники В. Троян, Х. Кадыров, майоры А. Амзаянц, Н. Юлдашев, капитан М. Гафуров, старший лейтенант Р. Файзрахманов.

Не только ратной деятельностью славятся воины-связисты. Подчиненные подполковников Расулова и Намозова отличились на сборе урожая хлопка-сырца, чем внесли свой вклад в дело укрепления экономики нашего независимого государства. Хокимы районов, председатели колхозов Самаркандской и Сырдарьинской областей тепло и с благодарностью вспоминают своих помощников в военной форме.

За годы своей деятельности войска связи приобрели немалый практический опыт. К его использованию очень важно подходить творчески, тщательно отбирать и изучать то лучшее, что не утратило своего значения и в наши дни, а также извлекать уроки на будущее.

Войска связи всегда, в любых, в самых трудных условиях обстановки успешно справлялись с возложенными на них задачами. Сохранять и приумножать славные боевые традиции войск связи — важная и ответственная обязанность современного поколения военных связистов, которые всегда готовы с честью и достоинством выполнить свой священный долг по защите независимости и суверенитета нашей Родины.

Полковник
А. ЩАВИНСКИЙ.

УСПЕХ ДОСТИГАЕТСЯ ТРУДОМ

Для воинов-связистов начало учебного года и его завершение — понятия несколько условные. Они без перерывов в боевой работе обеспечивают командование части и вышестоящий штаб бесперебойной связью. А сделать это надо в считанные секунды, что, согласитесь, дело непростое.

Чтобы достичь таких вершин профессионализма, необходимо иметь высокую полевую и тактико-специальную выучку, глубокие знания специальности, вверенной техники и аппаратуры, умение грамотно, умело их эксплуатировать.

Всеми этими качествами в полной мере обладают подчиненные капитана Закира Муратова. Начало летнего периода совпало с частыми полевыми выходами этого подразделения. И специалисты, несмотря на заметно обновленный личный состав, показали, что уровень боеготовности подразделения остается высоким.

Серьезным экзаменом на боевую зрелость стал для экипажей радиостанций выход в поле, где проводилась командно-штабная тренировка. Действовать пришлось в жару, в условиях резко меняющейся тактической обстановки. Подчеркиваю фактор воздействия погодных условий на боевую работу специалистов не случайно. Ведь для того чтобы отработать за регулятором настройки радиостанции несколько часов, нужны поистине бойцовские качества и стремление выполнить поставленную задачу во что бы то ни стало.

Отменное мастерство и профессиональную выучку показали экипажи радиостанций и аппаратные, возглавляемые прапорщиком Х. Джакыповым, сержантом сверхсрочной службы А. Саматовым.

После контрольных занятий, где воины-связисты добились высоких результатов, беседую с капитаном Муратовым.

— С начала учебного года,—говорит офицер, — занятия проводятся на высоком методическом уровне. Специалисты всех категорий с первых дней пребывания в коллективе уясняют: только умелым подвластна сложная современная техника, только обученные люди способны действовать в обстановке, максимально приближенной к боевой. Мастерство заложено в каждом командире и его подчиненном, и оно будет главенствующим при решении самых сложных задач в любой тактической обстановке. Со временем приходит и опыт.

На такой конкретный стиль в боевой работе и настроены офицеры, прапорщики, сержанты и солдаты подразделения. Ведь чем конкретнее учеба, тем выше результат. Из этого командиры исходили, вооружая специалистов опытом, знаниями, методическими навыками. И добились многого. На сегодня лучшими и подающими пример всем остальным здесь являются военнослужащие — сержант Х. Маматов, рядовые Б. Дусматов, Р. Каландаров, Ф. Рахимов. На них равняются, с них берут пример.

Капитан Б. ДЖУРАЕВ,
корр. «Ватанпарвара».

Отличились водители

Рота связи — мобильное подразделение, которое выполняет важные задачи по обеспечению воинских коллективов надежной и устойчивой связью в любое время суток, при любой погоде. Для того чтобы это подразделение находилось в постоянной боевой готовности, нужны не только высококвалифицированные специалисты связи, но и механики-водителя, чьим рукам и воле сложная боевая техника подчинялась бы беспрекословно.

Не так давно в роте связи, где заместителем командира капитан Н. Расулов, довелось выполнить большой объем работ. И в четко установленное время все единицы боевой техники были переведены на режим зимней эксплуатации.

Офицер Расулов и его помощники — солдаты и сержанты — приложили к выполнению поставленной задачи максимум усилий. Внимательно осмотрели все детали и механизмы автомобилей. В необходимых случаях отдельные узлы были обслужены опытными механиками-водителями.

Работы, связанные с регулировками и обслуживанием приборов системы питания двигателей, электрооборудования, а также узлов гидравлических систем, выполнялись на специализированных постах технического обслуживания. Особое внимание было уделено обслуживанию отопителей кабины и пускового подогревателя, проверке их работы.

Благодаря хорошей предварительной работе по подготовке к сезонному обслуживанию в подразделении все системы были заправлены необходимыми жидкостями, а смазка заменена в строгом соответствии с предстоящим осенне-зимним периодом эксплуатации. По мере надобности была осуществлена подкраска автомобилей, а также подклейка уплотнителей дверей кабин.

По окончании работ, при подведении итогов капитан Н. Расулов отметил старание и упорство рядовых В. Тураева и Ц. Кодирова. Как сказал заместитель командира, эти, уже видавшие виды опытные водители задавали тон выполнению боевой задачи. По их примеру и остальные сослуживцы также успешно справились с заданием.

Боевые экипажи тогда боеспособны, когда каждый солдат или сержант из расчета точно выполняет свой круг обязанностей. Он за это в ответе. В подразделении, где служат механики-водители рядовые Тураев и Кодиров и их сослуживцы, проведена большая работа. А итоги летней проверки показали, что рота связи готова и способна успешно справиться с боевой работой. Есть доля труда в этом успехе и водительского состава дружного воинского коллектива.

Майор К. МИРНОВ.

Бир умрга қанот ёзган меҳр

...«Устоз — отадан улуг», дейдилар. Шогирд муваффақияти ҳам устоз учун бахт. Алоқа қисмининг ётук малакали мутахассиси Владимир Николаевич Осиповни дам олиш таътилидан сўнг қадрдон хизмат жойига қайтаётганида, ана шундай бахт кутаётган эди. Владимир Николаевич қисмнинг назорат қилиб ўтказиш пунктидан хатлаган ҳам эдики, уни катта прапоршчик Петр Григорьевич Гончаров қучоқ очиб кутиб олди. Саломалиқдан сўнг:

— Владимир Николаевич, сен учун ажойиб хушхабар бор,— деди у бор қувончи юзида балқиб.

— Ушбу қисмда ўтган ҳар бир куним мен учун байрам,— деди Владимир Николаевич самимий табассум ила.

— Шогирдинг яна сафимизга қайтди!

— Қорабоевми!?

— Хабардормисан?!, — деди саволни жавоб маъносида тушунган Петр Григорьевич, ҳайрат билан тикилиб.

— Ҳиссиётим хабардор қилди,—деди у ўзига ўзи ва катта прапоршчикка юзланди, — хушхабар учун раҳмат, беҳад хурсанд бўлдим!

Назорат қилиб ўтказиш пунктидан бўлимма томон йўл олган Владимир Николаевич ич-ичидан севинди. То етиб боргунга қадар хаёлини шогирди — оддий аскар Ҳайрулло Қорабоев банд қилди...

..Тошкент районидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилиб, мазкур алоқачилар қисми сафига қўшилган оддий аскар Қорабоев касб маҳоратини ўзлаштириш сурвати бўйича тезда мутахассис-командирлар эътиборини жалб этди. Аксарият сафдошлари алоқачиликнинг бошланғич кўникмаларидан эндигина сабоқ олаётган бир пайтда Ҳайрулло ушбу вазифаларни мустақил равишда бажараётганди. Боис, Ҳайрулло армияга қадар пухта касбий тайёргарликка эга бўлган посбонлар сирасидан эди. У Тошкент алоқачилик политехникумини имтиёзли диплом билан якунлаб, малакали мутахассис бўлиб етишганди.

Албатта, ҳарбий алоқачилик соҳасининг ўзига хос томони бор, ўзининг масъулиятли ва мураккаб сир-синоатига эга. Уларни тўла ўзлаштириб олиш ҳар бир посбондан ўта қатъиятлиликни, зўр зеҳн ва интилувчанлиликни талаб этади. Ҳайруллонинг ажойиб фазилатларидан бири — ўзига нисбатан доимий қатъиятлилигидир. У сафдошларидан касбий маҳорат бўйича сезиларли устунликка эга бўлса-да, ҳарбий алоқачилик борасида ҳам ўз билим ва малакаларини такомиллаштиришда бир сония бўлса-да тиним билмади. У етук малакали мутахассис-командирлари — устозлар ўгитларини қунт билан ўқиб, уларга тўла амал қилди. Ўзига ишониб топширилган телефончилик вазифасини аъло даражада уддалади.

Муддатли ҳарбий хизмати давомида Ҳайрулло, шунингдек, улкан маънавийлилик, юксак тартиб-интизомлилик, ўзаро кўмакдошлик, командирлари ва сафдошларига доимий ҳурмат-эътиборлилик фазилатлари туфайли ҳам обрў қозонди. Шу боис ҳам шахсий таркиб Ҳайрулло ҳақида ҳамиша яхши фикрда бўлди...

Владимир Николаевич бўлинмага кириб келганида, Ҳайруллонинг телефон аппаратуралари билан машғуллигини кўриб, янада қувонди.

— Яна сафимизга қайтганингдан хурсандман,— деди у шогирди билан саломлашар экан.

— Муддатдан ташқари хизматда қолмадиму, лекин қадрдон қисмимдан ҳам нетгим келмади,— деди Ҳайрулло устозга самимий ташаккур ифодасида.

...Ана шунга ҳам қарийб 10 йил бўлибди. Ҳайрулло ҳали-ҳануз устозларга ташаккур айтади, уларни беҳад ҳурмат қилади. Бугун у энг аввало ўзининг намунали хизматлари билан ифодалаб келмоқда, қўлга киритаётган аъло ютуқлари орқали намоён этаётир.

Қуролли Кучлар хизматчиси Ҳ. Қорабоев электромонтёрчи вазифасини ҳам юқори савияда бажариб, барча топшириқ ва вазифаларни аъло даражада уддалади. Ҳайруллодаги ҳарбийликка меҳр аста, аммо бир умрга татигулик куртан эди. Натижада, она-Ватанимиз мустақиллиққа эришган йили Ҳайруллонинг яна бир эзгу орзуси амалга ошди. У ҳарбийлар сафига қўшилди.

Ташқи алоқалар участкаси бошлиғи лавозимига, сўнгра бўлинма муҳандиси вазифасини бажарувчи этиб тайинланган прапоршчик Ҳ. Қорабоев янада масъулиятли вазифаларни ҳал этар экан, аввалгидан-да кўп ғайрат ила хизмат қилди. Зеро, ҳар бир топшириқни ҳамиша аъло даражада бажаришга одатланган Ҳайруллонинг қалб даъвати эди бу. Ушбу даврда у етук малакали мутахассис сифатида тўла шаклланди, ҳарбий алоқачилик ишини мукаммал ўзлаштирди. Шунингдек, ҳарбий жамоага бошчилик қилиш, ўз қўл остидагиларни умуммақсад учун бирлаштириш, қисқача айтганда, командирлик иқтидорини ҳам такомиллаштира борди.

Ҳайруллонинг асл мақсади офицер бўлиш эди. У бунга эришиш учун мураккаб, аммо шарафли йўлдан борди. Салкам ўн йил ҳарбий қисмда тобланиб, касб сир-синоатларини тўла эгаллаб, ҳарбий Низом қонун-қоидаларини бутқул ўқиб, тартиб-интизомлиликни қон-қонига сингдирган Ҳайрулло ҳарб илмини янада чуқурроқ эгаллашдан эринмади. Тошкент умумқўшин командирлари олий билим юртидаги офицерлар тайёрлов 3 ойлик курсидаги таҳсил ҳам унинг мақсад йўлидаги собитлиги ва қатъиятлилигидан нишонадир.

1994 йил кичик лейтенант унвонини олишга мушарраф бўлган Ҳ. Қорабоев бўлинма муҳандиси лавозимига тайинланди. Орадан кўп вақт ўтмай эса у телефон бўлинмаси командири лавозимига лойиқ деб топилди. Шунингдек, кичик лейтенант Ҳ. Қорабоевга шахсий таркиб жанговар тайёргарлигини оширишда қўшаётган муносиб ҳиссаси учун муддатдан олдин лейтенант унвони берилганлиги ҳам унинг виждонан амалга ошираётган хизматлари шарофатидандир.

Ҳозирда Қуролли Кучларимиз қисм ва бўлинмаларида ёзги ўқув мавсумининг якуний синов машғулотлари зўр уюшқоқлик билан ўтказилаётган бир пайтда ҳарбий алоқачилар вазифаси янада улкан масъулият касб этган. Уларнинг аъло хизматлари эришилаётган ютуқларга муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Зеро, ҳарбий алоқачилик жанговар тайёргарлик асосларидан бирини ташкил этиб, аслида иккиси ҳам бир тушунчадир. Лаҳамиз қаҳрамони лейтенант Ҳ. Қорабоев хизмат қилаётган алоқачилар бўлинмаси шахсий таркиби ҳам барча топшириқ ва вазифаларни аъло даражада бажариб келаётир.

— Буюк Соҳибқирон Амир Темур бобокалонимиз таваллудининг 660 йиллиги тантаналарига ҳам саноқли кунлар қолди,— дейди лейтенант Ҳ. Қорабоев суҳбат чоғида.— Ушбу улуг айёмни Мустақил она-Ватанимиз ҳимоячилари сафида ёруғ юз билан кутиб олаётганлигимдан беҳад бахтиёр сезаман ўзимни.

Бунинг учун, энг аввало, ота-онамга, устозларимга, барча офицер-командирларимга, қолаверса, Президентимизга улкан миннатдорчилик билдираман. Отам — Зокиржон ака ва онам — Қумри ая етти нафар фарзандни ҳалол меҳнат қилиб, ҳалол боқдилар. Комил инсон қилиб вояга етказдилар. Устозларим — умумтаълим мактаби физика ўқитувчиси — Ёркин Сайдалиев, Тошкент алоқа политехникуми ўқитувчиси Юсуф Тўхтаев, қисмимиздаги барча мутахассис ва офицер-командирлар менга касб ўргатдилар. Юртбошимизнинг доимий ғамхўрлиги боис Ватан ҳимоячилари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган ва этилаётир...

Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири саволларига жавобларида, жумладан, шундай сўзлар таъкидланди: «Бугун Ўзбекистон ўз Қуролли Кучларига эга бўлиб, халқимизнинг қудратли қучига, қўллаб-қувватлашига, халқаро жамоатчиликнинг, дўстларимизнинг куч ва имкониятларига таянган ҳолда, нимки бизнинг заминимизга, мустақиллик ва суверенитетимизга кўз олайтирса, унга муносиб зарба беришга қодирмиз, деб айтиш учун бизда ҳамма асослар бор». Ҳа, лейтенант Ҳ. Қорабоев каби фидойи ҳарбийларимиз ҳам она-Ватанимиз мудофаа қудрати салоҳиятини янада юксалтириш йўлида виждонан хизмат қилмоқдалар. Тоғи, Юртбошимиз Ватанимиз посбонлари билан учрашганда айтганларидек: «...сарҳадларимиздан бирон зот ўта олмасин, ҳар хил қўпорувчилик ишлари қилолмасин, ҳеч ким халқимизнинг тинчлигини бузолмасин!»

Ана шундай эзгу мақсад йўлида астойдил бел боғлаган барча ҳарбийлар қаторида етук малакали алоқачи-офицер Ҳ. Қорабоев ва унинг барча сафдошларига мураккаб ва шарафли хизматларида бундан-да улкан муваффақиятлар ёр бўлсин, деймиз.

Катта лейтенант Ш. ИКРОМОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

Не прерывается связь

Прошло около трех лет с момента создания при Ташкентском электротехническом институте связи специального факультета, выпускающего кадровых офицеров-связистов для Вооруженных Сил Республики Узбекистан. За этот период подготовлено порядка 100 связистов по трем специальностям: радио- и космическая связь, проводная радиорелейная и тропосферная связь, автоматизированные системы управления войсками.

Переход студента в курсанты в стенах факультета осуществляется планомерно: по истечении двух лет обучения юноши принимают военную присягу. Такой подход следует признать разумным, так как у студента есть время адаптироваться в новой среде и детально обдумать свое вступление в ряды Вооруженных Сил. В то же время некоторые военные дисциплины — строевая подготовка, изучение устава — появляются в программе с первого курса.

Для студентов и курсантов созданы все условия для плодотворной учебы: при факультете находятся столовая, спортзал, плац. Используются технические аудио- и видеосредства. В специально оборудованных классах студенты и курсанты знакомятся с военной радиотехникой, выезжают на практику, где учатся действовать в полевых условиях.

На специальном факультете уделяется внимание не только техническим и военным дисциплинам, но и духовно-нравственному воспитанию курсантов.

По убеждению заместителя начальника учебной части майора Саидахата Парсиева, от офицера требуется не только знание своей специальности, но и способность разбираться в психологии подчиненных, знание родной истории, общая эрудированность.

В учебную программу факультета входит ряд гуманитарных предметов: история, философия, этика, эстетика и другие.

На трех кафедрах работает опытный преподавательский состав. Многие педагоги имеют многолетний стаж боевой службы и охотно раскрывают студентам и курсантам тонкости военного дела, а младшим преподавателям — нюансы учебной работы.

Сказанное относится прежде всего к заместителю начальника кафедры — полковнику Сирожиддину Джалилову. К этому добросовестному и уважаемому наставнику часто обращается молодежь за помощью и советом.

Самых добрых слов заслуживают и другие опытные преподаватели специального факультета — майор Александр Негренко и майор Халик Саатов, начальник кафедры майор Малик Джалилов, старший преподаватель майор Абдимурат Ишмурадов. Благодаря этим людям не прерывается преемственность между старшим и подрастающим поколениями связистов.

М. ВАДИМОВ.

На службе боевой

Сегодня даже невозможно представить себе не только действия в боевых условиях, но и повседневную жизнь подразделений Вооруженных Сил Республики Узбекистан, управление ими без современных технических средств и хорошо обученного личного состава подразделений связи.

Заступивший на службу дежурным по узлу связи капитан Рахматжон Ташматов и его помощник рядовой Шерзот Акбаров хорошо понимают, что их отличная работа является важным условием обеспечения непрерывного и устойчивого управления подразделениями вышестоящим штабом. Как и то, что бдительное несение дежурства предполагает не только постоянную собранность, отличное знание и неукоснительное выполнение требований уставов, наставлений и инструкций, но и хорошее владение сложной современной техникой связи, умение четко, быстро и уверенно выполнять свои обязанности в любое время суток и в любой обстановке.

Для воинов-связистов ведущим звеном в выполнении сложных и многообразных задач дежурства является уровень специальной выучки и морально-психологической подготовки всех членов дежурной смены. Как показала итоговая проверка, за учебный год личный состав подразделения, в котором служит капитан Р. Ташматов, значительно повысил уровень своей профессиональной подготовки. Это заметно сказалось на несении дежурства, которое длительное время проходит без замечаний со стороны старших начальников.

На снимке: капитан Р. Ташматов и рядовой Ш. Акбаров на дежурстве по узлу связи.

Фото **И. НАЗАРОВА.**

ПОЛВЕКА В СТРОЮ

В мае 1942 года восемнадцатилетней девушкой была призвана в ряды Вооруженных Сил телефонистка Марья Степановна Маслова. И с тех пор ее жизнь связана с этой нелегкой профессией, которой отданы более полувека жизни.

Первые азы работы телефонистки она изучила на курсах в Липецке. Затем служба на Орловщине, потом в войсках 1-го Прибалтийского фронта. Находясь в непосредственной близости от передовой, военная связистка не раз подвергала свою жизнь опасности.

Боевой путь Марьи Степановны отмечен медалями «За боевые заслуги», «За победу над Германией», значком «Отличник связи», к которым в мирное время добавились юбилейные награды. Закончила Маслова войну в Кенигсберге в звании младший сержант. В родную Воронежскую область не вернулась, а попала волею судьбы в Узбекистан. В 1948 году начала работать телефонисткой в штабе Туркестанского военного округа, затем в Германии, а с 1961 года вновь в Узбекистане.

У этой словоохотливой женщины на редкость крепкая память — в разговоре она уверенно называет имена и фамилии людей, с кем довелось служить более полувека тому назад. А с некоторыми приходилось встречаться и после войны. В частности, ее фронтовой командир лейтенант Виктор Близнецов и в Германии командовал подразделением связистов, дошел до полковника. Долго переписывалась с Петром Ильичом Коротких. А со своим командиром взвода Клавдией Васильевной Лучанской встретилась через 40 лет после Победы, в Грозном. Тогда Марья Степановна поехала отдыхать в Пятигорск, вот и навестила боевую подругу. Позже получила от родных Лутанской печальную весть — Клавдия Васильевна ушла из жизни. Да, чем дальше от нас война, тем меньше остается ветеранов...

И все же, несмотря на годы, Маслова вся в работе, живет нуждами и заботами своей части, передает свой богатый жизненный и трудовой опыт молодежи. И девушки тянутся к ней, по праву считая своей второй мамой — никогда и никому еще Марья Степановна не отказывала в участии, в помощи делом и советом. Многие из ее воспитанниц сейчас трудятся на важных и ответственных участках. Добиваться успехов им помогают воспитанные наставницей такие важные качества, как трудолюбие и полная самоотдача, строгая внутренняя дисциплина.

Современную армию невозможно себе представить без четкой и оперативной связи. Обеспечивают ее такие мастера своего дела, как Марья Степановна Маслова. «Двадцать шестая, слушаю», — звучит в трубке ее негромкий, спокойный голос. И затем, если линия свободна, следует соединение абонентов. Необходимые сведения, команды передаются вовремя — в этом скромный вклад связистки в укрепление оборонной мощи Родины.

Капитан А. КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».

ХАЛҚИМИЗ БОР ЭКАН, АМИР ТЕМУР НОМИ БАРҲАЁТДИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

бобокалонимизга ҳайкал ўрнатдик.

Бугун зўр шодиёна билан очилаётган Темурийлар тарихи давлат музейи Соҳибқирон шахсиятига нисбатан юртимизда тарихий адолат тантана қилганининг яна бир амалий исботидир.

Айтиш мумкин, Амир Темур ҳиёбони гўзал бир узук бўлса, бу музей шу узукнинг ёқут кўзидир.

Музейни зиёрат қилган ҳар бир инсон менинг бу сўзларим шоирона ташбеҳ ёки муболаға эмаслигига ишонч ҳосил қилади. Бу музейда бизнинг ўтмишимиз ҳам, бугунги кунимиз ва буюк истиқболимиз ҳам бамисоли кўзгуда акс этгандек намоён бўлади.

КИМКИ ЎЗБЕК НОМИНИ, ЎЗБЕК МИЛЛАТИНИНГ КУЧ-ҚУДРАТИНИ, АДОЛАТПАРВАРЛИГИНИ, ЧЕКСИЗ ИМКОНИЯТЛАРИНИ, УНИНГ УМУМБАШАРИЯТ РИВОЖИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИНИ, ШУ АСОСДА КЕЛАЖАККА ИШОНЧИНИ АНГЛАМОҚЧИ БЎЛСА, АМИР ТЕМУР СИММОСИНИ ЭСЛАШИ КЕРАК.

Азиз юртдошларим!

Фурсатдан фойдаланиб, барчамизнинг номимиздан, эл-юртимиз номидан шу олий иморатни бунёд этишда жонбозлик кўрсатган барча инсонларга самимий миннатдорчилик билдираман.

Қадрли ватандошлар!

Амир Темурнинг башарият олдидаги ўлмас хизматларини маърифатли жаҳон муносиб баҳолаб келмоқда. Соҳибқирон юбилейининг ЮНЕСКО томонидан халқаро миқёсда кенг нишонланаётгани ана шу эътирофнинг ёрқин далилидир.

Шундай қувончли ва ҳаяжонли дамларда Амир Темурдек буюк зот мансуб бўлган миллат фарзандлари эканимизнинг, томиримизда Амир Темур шижоати жўш ураётганини ўйласак, англасак, қалбимизни чинакам ифтихор туйғулари қамраб олади.

Амир Темур ҳаётининг мазмуни, бетакрор фаолиятининг асосий маъноси — Ватан озодлиги, Ватанга муҳаббат деган олий қадриятлардан иборатдир.

Соҳибқирон бобомизнинг руҳияти истиқлол ва ҳурлик, эркинлик ғоялари билан табиий ва гўзал бир равишда уйғунлашиб кетган. У ҳатто умрининг сўнгги онларида ҳам зурриёдларига қарата **«Истиқлол билан мулку миллат, лашкар ва раиятни бошқарингиз»** деб васият қилган. Чуқурроқ ўйлаб қарасак, бу васият айнан бизлар учун — буюк Соҳибқиронинг бугунги авлодлари учун айтилган.

Ҳамиша эл ғамини, юрт ғамини ўйлаб яшаган Соҳибқирон ёвлар оёғи остида топталган ўлкани дунёнинг энг қудратли салтанатига айлантирган эди. Келинглар, азиз дўстлар, барчамиз якдил бўлиб, ҳалол меҳнатимиз, ақлу заковатимиз, Ватанга муҳаббатимиз билан Ўзбекистонни жаҳон ҳавас қилдиган буюк давлатга айлантирайлик! Бу йўлда бобокалонимизнинг: **«Адолат ва озодлик — дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин»** деган доно ўгитлари доимий шиоримиз бўлсин!

Муҳтарам жамоат!

Бугунги маросим ҳам ҳадемай тарих мулки бўлиб қолади. Орадан йиллар, асрлар ўтади, аммо ҳудонинг марҳамати билан, адолат билан тикланган улуғ аждодларимизнинг табаррук номлари абадий яшайди.

Шу боис менинг иймоним комилки:

Соҳибқирон даҳоси йўлчи юлдуз каби чарақлаб, бизни доимо олижаноблик ва бунёдкорликка чорлайди!

Бу дунёда халқимиз, миллатимиз, Ўзбекистонимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаёт!

Илоҳим, ҳазрати Амир Темур эъзозлаган ғоялар — шижоат ва мардлик, адолат ва қатъият ҳар биримизга ҳамиша ҳамроҳ бўлсин!

Жаҳонга Амир Темурдек буюк даҳони берган халқ мангу яшасин, бахту саодати зиёда бўлсин!

Барча эзгу ишларимизда тангримизнинг ўзи мададкор бўлсин!

АЗАЛИЙ БУЮКЛИК МАСКАНИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

қий топишини орзу қилган эди. Бу эзгу ният Самарқанд қиёфасида ўз ифодасини топди.

Ҳазрати Темур бутун дунёдан ва ўз юртимиздан моҳир меъморларни, қўли гул ҳунармандларни ўз пойтахтини барпо этишга жалб қилди, уларни ана шу олижаноб мақсад йўлида бирлаштирди.

Уларнинг салоҳият ва ақл-заковатини сафарбар этиб, иждодларига илҳом бағишлаб, оламда тенги ва ўхшаши бўлмаган меъморий мўъжизаларни бунёд қилдирди.

Самарқанднинг мовий гумбазлари, осмонўпар миноралари, улардаги бетакрор ранглар, олам-олам мазмунга эга нақшу нигорлар бизни ерга қараб эмас, бошимизни баланд кўтариб қадр-қимматимизни билиб яшашга ундайди.

Бугун биз Амир Темур бобомиз буюк бунёдкорлик режаларини ноёб обидаларда бекаму кўст мужассам этиб ,Самарқандни ер юзининг мўъжизасига айлантирган Бадриддин ибн Шамсиддин, Уста Али Насафий, Олим Насафий, Мавлоно Убайдуллоҳ, Пирмуҳаммад Боғишомолий, Мавлоно Жунайс сингари юзлаб-минглаб меъморий муҳандис аждодларимизни, ҳунарманд усталаримизни ҳам эслаб, уларнинг санъатига тасаннолар айтамиз.

Соҳибқирон бобомиз даҳосининг шарофати билан шаҳри азим Самарқанд **ер юзининг сайқалига** айланди.

Бу олий унвон шунчаки айтилган чиройли гап эмас. Темурийлар салтанатининг маркази, темурийлар қудратининг тимсоли бўлмиш бу табаррук маскан оламнинг етти иқлимида маълуму машҳур бўлди.

Дунёнинг турли мамлакатларидаги не-не одамлар Самарқандни бир бор кўришни, унинг муқаддас тупроғини тавоф этиб, азизавлиёларнинг ҳоки пойларини зиёрат қилишни ўзлари учун улуғ шараф деб билганлар. Жаҳоннинг барча ҳудудларидан илм тилаб, маърифат тилаб инсонлар Самарқанд сари интилганлар. Чунки дунёнинг энг катта ва бой кутубхоналари, ўша замоннинг энг улуғ дорилфунунлари — мадрасалар, энг машҳур алломалар айнан шу ерда, мана шу заминда фаолият кўрсатар эди.

Халқимиз, шу жумладан, Самарқанд аҳлининг бугунги ҳаётимиз ва эртанги истиқболимиз йўлида қилаётган меҳнати, фан ва маданият намоёндаларининг изланишлари Соҳибқирон давридаги ўша оламшумул ишларнинг узлуксиз давомидир. Буларнинг барчаси Самарқанднинг шуҳратига шуҳрат қўшяпти, десак, асло муболаға бўлмайди.

Самарқанд нафақат мукаддас обидалари ва бетакрор тарихий мўъжизалари, балки замонавий ишлаб чиқариш салоҳияти билан, энг қимматли бойлиги — бағри кенг, қалби гўзал меҳнаткашлари билан бутун дунёда машҳур.

Азиз биродарлар!

Бугун Амир Темур тўйини нишонлашимизнинг, унга ҳайкаллар тиклашимизнинг, темурийлар даври меъморий ёдгорликларини таъмирлаб, обод этишимизнинг, у зоти шарифга бўлган эҳтиром ва муҳаббатимизнинг сабаби битта:

Амир Темур шахсини идрок этиш — тарихни идрок этиш демакдир.

Амир Темурни англаш — ўзлигимизни англаш демакдир.

Амир Темурни улуғлаш — тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, маданиятимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизга ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир.

Муҳтарам юртдошлар!

Самарқанд — азалий буюклик ва даҳолик қудрати мужассам бўлган. Оллоҳ назари тушган маскан. Унинг жаҳон илму фани, маданияти ва санъати ривожига қўшган катта ҳиссаси, сиз — муҳтарам шаҳар аҳлининг кўп асрлик маънавий меросимизни асраб-авайлаб келаётганингиз ва мустақил Ўзбекистон шон-шавкатини оширишдаги ғоят катта хизматларингиз учун Самарқанд шаҳри «Амир Темур» ордени билан тақдирланган эди.

Бугун мен учун беҳад шарафли вазифани ado этиш — қадрдон ва азиз шаҳримиз байроғига ана шу ордени қадаб қўйиш насиб этди.

Бу қувончли воқеа Амир Темур бобомизнинг муборак таваллуд кунларини нишонлаш пайтида, у зотнинг муҳташам ҳайкали файз бағишлаб турган шу гўзал майдонда содир бўлмоқда. Бу, албатта, теран маъно ва мазмунга эга.

Қадрли Самарқанд аҳли!

Ана шу олий мукофот билан барчангизни чин қалбимдан муборакбод этаман!

Соҳибқирон бобомизнинг сиймоси Самарқанд осмонида юлдуз каби нур сочаверсин!

Миллатимизнинг фахру ифтихори бўлмиш азим Самарқанд ҳам, ҳазрати Амир Темурнинг табаррук номлари ҳам, она Ўзбекистонимиз ҳам дунё тургунча турсин!

Буюк Амир Темур ва азиз аждодларимизнинг руҳи поклари бизни қўллаб-қувватласин, юртимизга тинчлик ва осойишталик, халқимизга фаровонлик ва бахту саодат ато этсин!

СОҲИБҚИРОН КАМОЛГА ЕТГАН ЮРТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳурматли биродарлар!

Буюк бобомиз ҳақида соатлаб сўзлаш мумкин. Улуғ зотларнинг тарих осмонига юксаладиган манзиллари бўлади. Бутун Шарқ оламида «Илму адаб қуббаси» дея эътироф этилган Шаҳрисабз ҳазрати Амир Темур учун ана шундай парвоз нуқтасидир. Биз Соҳибқирон бобомизнинг қутлуғ тўйини ўтказаётган шу кунларда энг аввал бу зоти шарифни дунёга келтирган ва вояга етказган эл даҳосига та табаррук заминга таъзим қиламиз.

Катта ишонч билан шуни таъкидлашим керакки, бу юртнинг фарзандлари, Темурбекнинг набиралари ўз қалбларида улуғ бобосига хос гўзал фазилатларни асраб-авайлаб, бугунги ҳаётимизда ҳам намоён қилмоқдалар.

Азиз дўстлар!

Минг афсуским, кўп йиллар давомида мустабид босқинчи мафкура даврида бизни Амир Темурдек буюк бобомиздан, бой ўтмишимиздан айириб, халқимизнинг маънавиятини, ғурурини, нфтихорини ерга урмоқчи бўлдилар. Юртимизда, жумладан, Шаҳрисабзда бевосита Соҳибқиронинг саъй-ҳаракатлари билан бунёд этилган тарихий обидалар харобага айлантирилди. Ҳатто ул зот ва авлодларининг қабр-мақбаралари ҳам «илмий тадқиқотлар» ниқоби остида талон-тарож этилди, топталди.

Лекин халқимиз улуғ аждодини ҳеч қачон унутмади. Унинг хотирасини ҳамиша юрагида сақлади.

Қадрли Шаҳрисабз аҳли!

Мана шу қаршимизда турган Оқсарой ҳар биримиз учун тарихимизнинг азиз ва мўътабар ёдгорлигидир. Бу улуғ бино ҳам мустамлакачилар тажовузининг қурбони бўлганини яхши биласиз. Соҳибқиронинг улуғвор ҳайкали айнан Оқсарой олдида қад ростлагани бежиз эмас. Бунинг ўзига хос, ўзига мос чуқур рамзий маъноси бор.

Жаннатмакон Амир Темур бобомиз бу кошона пештоқига шундай бир ҳикматни нақд этиб кетганлар. Унинг мазмуни сизларга маълум: **«Кимки бизнинг шон-шуҳратимизни кўрмоқчи бўлса, биз барпо этган иморатларга назар солсин».**

Бу кўҳна дунёда жаҳонгирлар кўп ўтган. Уларнинг аксарияти фақат бузган. Амир Темурнинг улардан фарқи шундаки, у умр бўйи бунёдкорлик билан машғул бўлган. У муборак зот айтганларки: **«Қай бир жойдан бир ғишт олсам ўрнига ўн ғишт қўйиндим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим».**

Яна бир ўринда эса шундай деганлар: **«Дунёнинг ярмини олдим, салтанатимнинг у четидан бу четига бирор болакай бошида бир лаган тилла кўтариб ўтадиган бўлса, бир донасига ҳам зарар етмайдиган тартиб-интизом ўрнатдим».**

Ҳали телефон, телеграф, коммуникация воситалари бўлмаган бир шароитда Амир Темур Шарқни Ғарб билан тинчлик, тижорат, элчилик йўли воситасида бирлаштиришга ҳаракат қилган. Бизнинг бугунги сиёсатимиз Амир Темурнинг бу борада олиб борган олижаноб ишларининг давомидир.

Муҳтарам дўстлар!

Карами улуғ Оллоҳ халқимизга, Ватанимизга шу қадар марҳамат қилибдики, миллатимизга Амир Темурдек буюк Соҳибқиронни бериби. Бунинг учун Яратганга ҳар қанча шукрона айтсак арзийди.

Инсоният янги асрга қадам қўлётган бугунги кунда ҳам Амир Темур маънавияти ва шижоати, адолатпарвар сиёсати юксак ибрат намунаси бўлиб қолгусидир.

Яна бир бор таъкидламоқчиманки, **кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг кучқудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак.**

Бугунги қутлуғ кунда Амир Темур бобомиз баланд қўтарган ва асримиз охирига келиб бизнинг қўлимизда қайтадан мағрур ҳилпираётган мустақиллигимиз байроғи остида туриб сизларни, барча халқимизни шу улуғ шодиёна билан муборакбод этаман.

Маълумки, Шаҳрисабз аҳлининг Темурийлар даври улкан маданий ва маънавий меросини, ноёб тарихий ёдгорликларини асраб-авайлаш, ёш авлодни буюк аждодларимизнинг муносиб ворислари, озод мамлакатимиз буюк истиқболини яратишга қодир кишилар қилиб тарбиялаш ишига қўшган алоҳида хизматларини эътиборга олиб Шаҳрисабз шаҳри «Амир Темур» ордени билан мукофотланган эди.

Бугун шу юксак мукофотни сизларга топширишдан ниҳоятда хурсандман.

Азиз дўстларим, юртдошларим!

Буюк Соҳибқиронинг мўътабар номи билан аталувчи орден сизларга муборак бўлсин!

Бу олий нишон улуғ бобомизни волга етказган мўътабар бешикка тумор бўлсин!

Илоё, ҳаммамизни Соҳибқирон Амир Темурнинг ўлмас руҳлари ҳаминша қўллаб-қувватласин ва барча ишимизда мададкор бўлсин!

ИСТИҚЛОЛ ПОСБОНЛАРИ

Бундан ўттиз йил аввал, Тошкент политехника институтида ҳам талабаларни ҳарбий мутахассисликка ўргатиб, уларга офицерлик унвонини бериш жорий қилинди.

Ўша узоқ йилларда кафедрада 16 нафар офицер ишлар ва улар тўрт турдаги ҳарбий мутахассисларни тайёрлашга қодир эдилар.

Тошкент политехника институти ўз вақтида энг йирик институтлардан бири бўлгани сабабли унинг ҳарбий кафедраси 1976 йилга келиб, энг улкан ҳарбий кафедрага айланди. Ўша йиллари кафедрада бирваракайига икки мингга яқин талаба таҳсил олиб, кафедранинг 126 нафар ўқитувчиси уларни офицер касбининг сир-синоатларидан хабардор қиларди.

1963—74 йилларда ТошПИ ҳарбий кафедрасини тугатган заҳирадаги офицерлардан 750 га яқини армияга чақирилиб, улар Ғарбий Украинадан тортиб, то Узоқ Шарққача турли кисм ва гарнизонларда хизматни аъло даражада ўтаб, институтнинг шуҳратига шуҳрат қўшдилар.

Ватанпарварлик, юқори даражадаги билим, юксак интизом, албатта, кафедра офицерларининг касбий ва маънавий нуқтаи-назардан нақадар устун эканликларининг тимсолидир. Жумладан, кафедра ходимлари полковник Б. П. Зайцев ва подполковник Д. А. Лобановларнинг заҳирадаги офицерларни тайёрлаш соҳасидаги самарадор педагогик фаолиятлари «Учинчи даражали Ватанга хизмат учун» ордени билан юксак баҳоланган.

Ўтган ўттиз йил мобайнида кафедра таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетди. Талабалар шаҳарчасида мерганлик майдончаси, муҳандислик машиналари парки, радиационкимё хизмати пости ишга туширилиб, бу ерда талабалар замонавий мураккаб ҳарбий техника билан ишлашни, жанговар ҳолатда улардан фойдаланиш кўникмаларини ўзлаштиратилар.

Кафедра биносининг ҳар бир синфида кўргазмали қуроллар, ҳарбий техника намуналари, турли макетлар бўйича схема ва жадваллар мавжуд. Баъзи синфларда жанг майдонининг кичик тасвири ясалиб, бунда талабалар ўзлари ҳисоб қилиб отган «снаряд»ларнинг қаерга тушиб портлаши лазерлар ёрдамида ялтиллаб кўринади. Бошқа синфга кирсангиз, авиацион двигателлар қоқ ярмидан кесилиб, ичида борини кўз-кўз қилиб турганини, баъзи синфларда артиллерия тўплари қисм-қисмларга ажратиб қўйилганини кўрасиз. Бир синфга кирсангиз, дарёни ҳарбий техника билан кечиб ўтиш учун ясалган кўприкнинг намунасига дуч келасиз.

ТошДТУнинг полковник М. М. Султонхўжаев бошқараётган ҳарбий кафедраси ҳозирда республикада энг йирик ҳарбий кафедрадир. У нафақат ТошДТУ, шунингдек Тошкент кимё-технология ва Тошкент давлат авиация институтлари талабаларига ҳам таҳсил бераяпти. Кафедра бундан ўттиз йил аввалги тўрт бўлим ўрнига ҳозирги кунда саккиз бўлимдан ташкил топган бўлиб, ўн бир ҳарбий мутахассислик бўйича заҳира офицери тайёрлайди.

Шу бўлимлардан биттаси бўлажак офицерларга умумҳарбий билим бериб, уларни ватанпарварлик, мустақил Ўзбекистоннинг ҳудудий даҳлсизлигини ҳимоя қилиш йўлида керак бўлса жонни ҳам аямаслик, республикада рўй бераётган кенг кўламдаги иқтисодий, маънавий ва моддий ислоҳотлар натижаларини, уларнинг келажагини ҳимоя қилиш руҳида тарбиялайди.

Кейинги пайтларда институтни битириб, халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият кўрсатиб келган бир қатор заҳирадаги офицерлар кафедрада хизмат қилишмоқда. Бу офицерлар орасида ТошПИ ҳарбий кафедрасининг дастлабки битирувчилари ҳам бор.

Ҳарбий кафедрани шу онларда фақат Тошкент шаҳри аҳли эмас, балки уни битириб, ҳозирги кунда Ўзбекистон Қуролли Кучлари сафларида хизмат қилаётган сон-саноқсиз офицерлар ва унда таҳсил олиб, ўқишни битириб, республикамиз халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилаётган минг-минглаб заҳирадаги офицерлар ҳам ошқишламоқда.

Бундан буён ҳам ТошДТУ ҳарбий кафедраси ходимлари, барча профессор-ўқитувчилар жамоаси озод, обод Ватанимизнинг ёшларини Ватанга содиқ ватанпарвар, маънавий етук инсонлари қилиб тарбиялаш учун ўзларининг барча билим, маҳоратларини ишга солаверадилар.

Академик
Т. М. МИРКОМИЛОВ
Тошкент давлат техника университети ректори.

СЛАВНЫЙ ЮБИЛЕЙ

18 октября 1996 года на военной кафедре Ташкентского государственного технического университета состоялось торжественное празднование знаменательного юбилея — 30-летия со дня образования кафедры.

В числе приглашенных на торжественном построении присутствовали командующий артиллерией — начальник управления артиллерии Министерства обороны Республики Узбекистан генерал-майор И. Эргашев, начальник отдела вузов и вневойсковой подготовки В. Карпачев, ректор Ташкентского государственного технического университета академик Т. Миркамилов, первый проректор Ташкентского химико-технологического института профессор А. Авлакулов, ректор Ташкентского государственного авиационного института Ш. Ганиханов, офицеры Министерства обороны, ветераны войны и труда.

Выступившие перед личным составом начальник кафедры полковник М. Султанходжаев и приглашенные гости отметили вклад кафедры в подготовку высококвалифицированных кадров — офицеров запаса для Вооруженных Сил Республики Узбекистан. Был зачитан приказ Министра обороны о поощрении наиболее отличившихся офицеров и служащих кафедры.

Затем состоялись показные выступления обучающихся на кафедре студентов, праздничный обед и ряд других мероприятий, призванных ознакомить всех желающих с работой и службой сотрудников кафедры, их вкладом в укрепление обороноспособности независимого Узбекистана.

ГОТОВИМ ВЫСОКОКВАЛИФИЦИРОВАННЫХ СПЕЦИАЛИСТОВ

В современном общевойсковом бою артиллерия, обладающая мощным метким огнем, большой дальностью стрельбы, способностью к широкому маневру и быстрому сосредоточению огня по важнейшим целям, является одним из решающих средств поражения противника. Офицеры цикла материальной части артиллерии готовят высококвалифицированных специалистов службы ракетно-артиллерийского вооружения, способных обеспечить долговечную эксплуатацию и высокую надежность артиллерии.

Опытные преподаватели кандидат технических наук майор Ф. Рахманкулов и майор Ф. Закиров обучают студентов основам и конструкции артиллерийского вооружения, условиям и требованиям его эксплуатации и ремонта. На цикле выработана хорошая система методической подготовки преподавателей.

Огромное внимание уделяется проведению учебных сборов в артиллерийских частях и подразделениях. Организация строгого уставного порядка, налаженный быт и служба, прохождение практических занятий непосредственно в артиллерийских парках, а также в цехах по ремонту артиллерийского вооружения способствуют повышению качества и уровня обучения студентов.

В результате из стен военной кафедры Ташкентского технического университета в настоящее время выходят высококвалифицированные кадры офицеров запаса, способные умело применять на практике полученные знания, методически правильно обучать и воспитывать подчиненных.

Подполковник
Н. ЗАСТРОГИН.

СОЗДАН НЕЗАВИСИМОСТЬЮ

Цикл авиационной техники — самый молодой на военной кафедре Ташкентского государственного технического университета. Он был создан после обретения Узбекистаном независимости для подготовки резерва авиационных специалистов для частей Военно-Воздушных Сил.

Благодаря большой заботе и поддержке со стороны руководства учебных заведений, студенты которых обучаются на цикле. Управления ВВС и Министерства обороны здесь создана и продолжает совершенствоваться солидная материально-техническая база, позволяющая качественно готовить будущих специалистов ВВС.

Преподаватели цикла подполковник А. Бурнаев и майор В. Погорелов имеют богатый опыт практической работы и боевой службы в частях ВВС, умело обучают и воспитывают студентов. Об их успешной работе говорит и тот факт, что немало выпускников военного цикла авиационной техники связали свою жизнь со службой в авиационных подразделениях.

Полковник А. КУШНАЕВ.

На должном уровне

Обучение будущих офицеров-артиллеристов запаса стрельбе с закрытых огневых позиций—дело нелегкое. По окончании курса обучения на цикле стрельбы и управления огнем они могут стрелять всеми существующими способами: по наблюдению знаков разрывов, по измеренным отклонениям — с дальномером, с сопряженным наблюдением (со взводом звуковой разведки, со станциями типа СНАР, АРСОМ), прямой наводкой по неподвижным и движущимся целям.

Такой высокий уровень подготовки возможен только благодаря обеспечению студентов всей необходимой литературой, приборами и приспособлениями. Для проведения занятий на высоком методическом уровне оборудованы четыре специальных класса.

Будущие офицеры запаса имеют возможность совершенствовать свое мастерство на винтовочно-артиллерийском полигоне, где есть возможность практического отстрела задач курса стрельб артиллерии.

О высоком уровне профессионального мастерства офицерского состава цикла свидетельствует успешное их участие в решении конкурсных задач на страницах газеты «Ватанпарвар», а также неоднократное привлечение их для подготовки личного состава артиллерийских частей и подразделений в ходе различных сборов и учений.

Майор Х. Максудов, кандидат физико-математических наук капитан Т. Достходжаев умело обучают студентов. Большую методическую помощь в организации и проведении занятий оказывает им опытный артиллерист, майор в отставке, мастер производственного обучения А. Кантаев. Благодаря их напряженному и творческому труду все прошедшие обучение студенты приобретают прочные знания и навыки меткой артиллерийской стрельбы.

Полковник
В. КОЧЕРГИН.

На снимке: мастер производственного обучения А. Кантаев.

Главное—качество обучения

Общевоинская подготовка является составной частью подготовки военнослужащих для любых видов и родов войск Вооруженных Сил. Знание основ и правил стрельбы из стрелкового оружия, высокая строевая обученность, выполнение требований общевоинских уставов, тактическая подготовка — все это необходимо каждому офицеру.

Преподаватели цикла общевоенной подготовки, опытные, имеющие за плечами большой опыт службы офицеры К. Пирматов и А. Русаков считают, что качественное обучение студентов зависит прежде всего от методического мастерства и материально-технической базы обучения. Именно этому вопросу здесь уделяется повседневное внимание. Силами преподавателей и студентов сделано немало как для совершенствования методики обучения, так и по оборудованию специализированных классов.

Особое значение на цикле уделяют качественной подготовке и проведению учебных сборов будущих офицеров запаса. Жизнь и служба строго по уставу, полевые занятия, выполнение учебных стрельб из стрелкового оружия, организация полевой учебы, быта и отдыха, проведение воспитательной работы, торжественное проведение ритуала принятия Военной присяги — все это подготавливает их к качественному выполнению обязанностей, возложенных на каждого офицера.

В настоящее время требования к будущим офицерам запаса значительно возросли. Но преподаватели военной кафедры ТашГТУ не стоят на месте, постоянно совершенствуют свое методическое мастерство. И с каждым годом выпускают все более подготовленных офицеров запаса, способных уверенно командовать подразделением.

Полковник
Э. КАНЕЕВ.

Звание—досрочно

Главную свою задачу преподаватели цикла кафедры наземной артиллерии военной кафедры Ташкентского государственного технического университета видят в подготовке для Вооруженных Сил Республики Узбекистан офицеров запаса, обладающих не только хорошими знаниями по боевому применению артиллерийских подразделений, но и обладающих высокими нравственными и патриотическими качествами.

Офицеры цикла майоры М. Абдуталбаров, Р. Пулатов и А. Касымов активно принимают участие во всех крупных мероприятиях, проводимых управлением артиллерии Министерства обороны. Непосредственно подготавливая и проводя лагерные сборы, учения с боевой стрельбой, комплексные проверки артиллерийских подразделений, они показывают подчиненным высокий личный пример добросовестного отношения к делу.

Их труд не остался незамеченным. Кандидату технических наук Р. Пулатову и кандидату физико-математических наук А. Касымову воинское звание майор присвоено досрочно.

Подполковник
А. ХИМИЧ.

МАСТЕРСТВО НЕВОЗМОЖНО БЕЗ НАВЫКА

Новая техника и современные способы ведения боя предъявляют высокие требования к военнослужащему, к его духовным, волевым, психологическим и физическим качествам, уровню знаний своей специальности и степени подготовленности к их практическому применению. Знания каждого будущего офицера-химика должны быть глубокими и прочными. Но настоящее воинское мастерство невозможно без навыка, под которым подразумевается совершенное владение оружием и боевой техникой.

Преподаватели цикла боевого применения подразделений химических войск офицеры Р. Ахмедов, М. Эрназаров, А. Зиядуллаев и В. Тянутов хорошо знают, что будущему офицеру-химику прежде всего необходимы навыки использования и применения вооружения химических войск и средств защиты, ухода за боевой техникой. Поэтому обучение студентов производится по уровню сложности. Вначале они осваивают простейшие приемы и действия, доведя их до автоматизма. Овладев приемами одевания и снятия средств защиты, методами расчета и приготовления дегазирующих растворов, студенты переходят к следующему этапу учебы. Простые навыки объединяются, включаются в сложные действия, повторение и закрепление которых ведет к образованию сложных навыков.

Офицеры - преподаватели нашего цикла исходят из того, что обучаемый лучше овладеет знаниями и навыками, если его действия побуждаются высоким чувством воинского долга, ответственности за порученное дело, другими положительными мотивами. Для формирования боевого мастерства требуется воздействие не только на познавательные процессы, но и направленность, воля, интерес и способности, психическое состояние обучаемого студента.

Росту профессионального мастерства и технической культуры будущих офицеров-химиков во многом способствуют демонстрация учебно-технических фильмов, знакомство с новейшими образцами зарубежной военной техники, чтение специальной и технической литературы. Накапливая технические знания, приучаясь к специальной терминологии, уясняя принципы устройства специальной химической техники, обучающиеся у нас студенты развивают свои способности, осваивают сложную современную технику, приобретают высокий уровень воинского мастерства.

Подполковник
В. ЧОЛОКОВ.

ГЛАВНАЯ ЗАДАЧА—ВНИМАНИЕ К ЛЮДЯМ

Десять лет работает Ольга Егоровна Разуваева заведующей офицерского общежития. Оно, офицерское общежитие (или как чаще его называют между собой сами авиаторы — гостиница), является своеобразной «визитной карточкой» подразделения.

И это хорошо понимает Ольга Егоровна, которую офицеры, проживающие там, называют хозяйкой гостиницы. А Разуваева действительно хозяйка.

Ее трудно застать с утра в кабинете. Это и понятно: ведь у заведующей достаточно проблем и хлопот, которые требуют срочного разрешения. То она идет к командиру решать задачу с очередным ремонтом, покупкой новой мебели, белья, приемом новых жильцов, то договаривается с электриками, сантехниками и плотниками что-то починить, что-то поправить, чтобы гостиница имела уютный и образцовый вид.

Работать в хозрасчетном учреждении всегда было трудно. Не стало легче и сейчас. Хотя для энергичных и предприимчивых людей появилось вроде бы больше простора в деятельности. Как заведующая Разуваева умело ищет возможности для своего учреждения, чтобы поправить денежные дела, и обязательно их находит.

Помню, года два назад, зимой, когда довелось быть в командировке в этом военном городке, я несколько дней жила в общежитии. Батареи в номере были ледяными и спастись от холода можно было лишь включив электрическую плитку или обогреватель. Как потом узнала, и многие другие здания в городке плохо отапливались из-за нехватки мощности у котельной.

Надо отдать должное работникам КЭЧ района, которая летом прошлого года провела большие строительные работы в городке. Была пущена новая котельная. В здании гостиницы авиаторов полностью заменили систему теплоснабжения. Провели здесь и серьезный текущий ремонт.

Да и заведующей общежитием Разуваевой всегда до всего есть дело. Может, поэтому общежитие с каждым годом становится все уютнее для тех, кто в нем живет.

Есть у Ольги Егоровны и хорошие организаторские способности. Она сумела за время своей работы сколотить хороший, работоспособный коллектив, к каждому сотруднику найти свой ключик.

Как говорит офицер А. Фадеев, не дает Ольга Егоровна спокойно жить и командованию подразделения. То просит достать для общежития мебель, то белье... Словом, беспокойный она человек и для командования.

Под стать заведующей и подчиненные. Ольга Егоровна тепло отзывается о давно работающих в общежитии коллегах — А. Петрепеченко, Ф. Богдановой, дежурных К. Маликовой и В. Шевцовой, Т. Никоновой и И. Ничипорук.

— Внимание к людям,— говорит Ольга Егоровна,— для работников сферы обслуживания обязательно. Оно — главный элемент их профессиональных качеств.

Слова у нее не расходятся с делом. Коллектив сотрудников общежития оптимистично смотрит в будущее. И делает все возможное, чтобы навести в номерах уют, улучшить сервис, чтобы живущие в общежитии люди в погонах чувствовали себя почти как дома. Так, в холле появились приятных тонов шторы. Создают хорошее настроение и цветы. Авиаторы, живущие в общежитии, ощущая повседневную заботу о себе, очень благодарны сотрудникам этого небольшого коллектива.

Г. ГЛУШКОВА.

СОҲИБҚИРОННИНГ ЎН ИККИ ЎГИТИ

(ДОСТОН)

(Боши газетанинг ўтган сонларида)

ТЎРТИНЧИ ЎГИТ

Биз ким-мулки Туроннинг
амири Туркистонмиз.
Биз ким-туркий уруғи,
энг қадим, энг улуғи,
Бош бўғин, турк забонмиз.
Тўртинчи ўгитим айлайин баён:
Давлатни бошқарсанг «Тузук»ка таян.
Қайси юртда қонун бўлса устувор,
Демакки у халқнинг интизоми бор.
Гарчи подшоҳдурсан қонунни бузма,
Эл-элатдан айри режалар тузма.
Шунда итоатда юрар вазирлар,
Ҳаддидан ошмагай сипоҳ, амирлар.
Ҳукмнинг одил бўлсин, ёшу қарига,
Фарзандингми, дўстинг, хуллас барига.
Тадбиркор, фидойи бўлса бир киши,
Юз минг аскар унинг қилолмас ишин.
Яхшилар ҳамиша, ҳар ишда қўллар,
Адашсанг тўғри йўл кўрсатар, йўллар
Душманлар дастидан чўлларда қолдим
Аёзу ёмғир, қор, дўлларда колдим.
Чеккан азобларим ҳаддин зиёда.
Турон, Туркистонни кездим пиёда.
Танҳо Оллоҳ ўзи куч-қувват берди,
Руҳимда иймону зўр ишонч эрди.
Эгам йўл кўрсатди, ҳақиқат томон,
Бало-қазолардан асради омон.
Кимки ҳақгўй эрса нажот топгуси,
Кимки золим эрса тўнғиз қопгуси.

БЕШИНЧИ ЎГИТ

Биз ким-мулки Туроннинг
амири Туркистонмиз.
Биз ким-туркий уруғи,
энг қадим, энг улуғи,
Бош бўғин, турк забонмиз.
Бешинчи ўгитим-салтанатга хос,
Тақдирга ёзилса, тахт бўлур мерос.
Энг мушкул юмушни ўзинг қилгил ҳал,
Амиру бекларга келмасин малол.
Қайбир сипоҳ жонни тикса Ватанга,
Ёнингдан жой беру суюргол анга,
Кўп халқни қуткардим мўғул дастидан,
Зафар қучиб, «Дашти қипчоқ» устидан,
Жоҳил ҳукмдорлар изимга солдим,
Йигирма еттита давлатни олдим:
— Дашти Қипчоқ, Журжон, Хуросон, Турон,
Ширвонот, Хоразм, Гилонот, Эрон,
Ироқу Араб ва Ироқу ажам,
Марғиб, Миср, Форс, Мазондарон, Шом,
Сейистон, Озарбойжон, Рум, Қобулистон,
Бохтарзамин, Дашти жете, Ҳиндистон,
Кандаҳар, Гуржистон: ҳам Кофиристон.
Иймонга келтирдим кўп ғайри халқни,
Кора Юсуфга мен танитдим ҳақни.
Адолат ўрнатдим ҳар мамлакатда,
Ҳақиқатни укди кичигу катта.
Ғанимлар шаънимга зимдан отса тош,
Гоҳида синдирдим, гоҳ этдим бардош.
Эй фарзандим! Тахтнинг заҳматлари чўнг,
Одил ҳукмнинг юргиз, ишинг келар ўнг.
(Давоми бор).

Барот ИСРОИЛ.

● ДНИ КУЛЬТУРЫ ГЕРМАНИИ В УЗБЕКИСТАНЕ

ПРИКОСНОВЕНИЕ К ВЕЧНОСТИ

У фотоснимка перед художественным произведением есть одно неоспоримое преимущество. Если неплохо нарисованная картина может с течением времени затеряться среди других и стереться в памяти, то фотография, перешагнувшая некий критический временной рубеж, приобретает документальную ценность, растущую затем с каждым годом. А если снимок, дошедший до нас через столетие, сделан к тому же талантливо, то успех его у последующих поколений обеспечен.

Примерно такие мысли напрашиваются при посещении выставки «Центральная Азия: очерки одной встречи». Выставка, входящая в программу Дней культуры Германии, представляет уникальные фотографии конца прошлого и начала нынешнего веков. Они сделаны в разные годы путешественниками, побывавшими в центральноазиатских странах в составе научно-исследовательских экспедиций. Ими были немцы Генри Мозер, Вилли Рикмерс и Вальтер Боссгард, а также русский путешественник Самуил Мартинович Дудин.

Период бурного развития фотографии совпал с эпохой больших экспедиций. Это подарило нам возможность познакомиться с подробностями быта народов Центральной Азии, многие из которых сейчас отошли в прошлое.

Смотришь на женщину, ткущую циновку возле юрты в степи, на борющихся мальчиков в чапанах не по росту, на покрытую навесами площадь Регистан — и ловишь себя на мысли, что видишь сцену со знакомыми декорациями, но чужими действующими лицами. Однако всматриваясь в изображенных людей, чувствуя на себе их взгляд, начинаешь понимать, что отличаемся мы от них больше одеждой, чем внутренним содержанием. В глазах главы семьи на снимке Дудина читается гордость перед гостями за достаток в юрте, за семейный уют, за подрастающих сына и дочь, стоящих рядом. Все эти чувства понятны и доступны в любые времена.

Выставка наглядно показывает различия между центральноазиатскими народами, но она же подчеркивает сближающие черты: трудолюбие, сдержанность, чувство собственного достоинства, гостеприимство.

Авторов представленных на выставке «окон в прошлое» давно нет в живых, как и людей, которых они снимали. Но невольно испытываешь к ним благодарность: мгновения, выхваченные из жизни наших прадедов, помогают нам сегодня прикоснуться к вечности.

В. МУРАТХАНОВ,
корр. «Ватанпарвара».

В Национальной ассоциации международных культурно-просветительских связей состоялась церемония открытия выставки, посвященной градостроительной эволюции Ташкента. Автор и организатор выставки — молодой французский архитектор, сотрудник Французского института исследований Центральной Азии (ФИИЦА) Реза Нураньян.

На открытии экспозиции приняли участие Чрезвычайный и Полномочный

«Потому что я люблю Ташкент»

Посол Франции в Республике Узбекистан Жан Клод Ришар, председатель общества «Узбекистан — Франция» Абдимурод Маматов, директор ФИИЦА Пьер Шувен, представители дипломатического корпуса, аккредитованные в Ташкенте.

Реза Нураньян около двух лет занимается анализом генезиса и истории градостроительного развития Ташкента. В материалах выставки отражена эволюция города, возникшего в античную эпоху, до наших дней.

На вопрос корреспондента информационного агентства «Жахон»: «Почему объектом вашего исследования стал именно Ташкент?» Реза Нураньян ответил коротко: «Потому что я полюбил Ташкент».

Информационное агентство «Жахон».



Дала клубининг бошлиғи муддатдан ташқари хизмат старшинаси З. Музаффаров киномеханик оддий аскар А. Худоёроз билан биргаликда Сирдарё вилоятининг пахта далаларида жавлон уриб меҳнат қилаётган ҳарбий хизматчиларнинг бўш пайтларини мароқли ўтказиш учун курашмоқда.

И. НАЗАРОВ сурати.

Этот Пестрый Мир

ЛЮБИМАЯ, НО ОЧЕНЬ ДОРОГАЯ

Несмотря на существенное падение за последние полгода цен на недвижимость, Гонконг по-прежнему остается самым дорогим городом мира с точки зрения стоимости офисных помещений. За ним следует индийский Бомбей, оттеснивший на третье место японскую столицу. А венчает квартет Москва, цены за квадратный метр офисной площади в которой почти втрое превысили аналогичный показатель в Вашингтоне.

Такие данные содержатся в последнем выпуске обзора мировых рынков недвижимости, подготовленного транснациональной корпорацией «Кольера» на основе сравнительного анализа ситуации в 176 крупнейших мегаполисах мира.

Совсем немного уступают российской столице по дороговизне офисных площадей Шанхай и Пекин. Недешево обходится покупка либо аренда помещения под деловое представительство в городе на берегах туманного Альбиона. Единственный представитель западного делового мира—Лондон занимает почетное седьмое место. Замыкают первую десятку опять-таки посланцы переживающей бум экономического развития Азии—Сингапур, Дели и японский город Осака.

ОБЕРЕГАЙТЕ СВОЙ МОЗГ

Владельцы и любители поговорить по мобильному телефону рискуют «поджарить» собственный головной мозг. С таким предупреждением выступили по программе Би-Би-Си шесть ведущих мировых специалистов, изучавшие в последние несколько лет влияние микроволновой реакции на человеческий организм.

Согласно данным, полученным учеными в ходе опытов над крысами, частое использование мобильного телефона может привести к раку мозга, вызвать астму и ряд других тяжелейших заболеваний. Опасность данного вида связи состоит в том, что мощнейшее микроволновое излучение в приемно-передаточном устройстве мобильного телефона имеет эффект аналогичный микроволновой печи, где в течение трех минут можно испечь картофель. Это излучение создает в человеческом мозгу очаги перегрева, что первоначально ведет к головным болям, а затем и более опасным последствиям.

НЕ ЕШЬТЕ БАРБИ ЦЕЛИКОМ

Самую экологически чистую страну мира, как несколько самонадеянно именует себя Норвегия, болезненно задели утверждения природоохранной организации «Гринпис» о том, что кукла Барби представляет собой определенную опасность для маленьких детей. Ведь они, как известно, имеют привычку сосать и грызть любой попавшийся под руку предмет, а уж тем более любимую игрушку. Барби, которую в Норвегии продают повсеместно, исключением не является. А в ней, как предупреждает «Гринпис», содержится легко разлагающиеся под воздействием слюны опасные соединения поливинилхлоридов.

«Чепуха!— возмущается готовый съесть Барби на глазах у зрителей директор норвежского Центра наблюдения за экологической обстановкой Пер Довле. — Чтобы организму ребенка был нанесен хотя бы сколько-нибудь ощутимый вред, он должен съедать в неделю 50 граммов «тела» Барби. Так что лизать ее можно сколько угодно».

А вот съедать зараз целиком, видимо, все-таки не стоит. Даже Перу Довле.

● ФУТБОЛ: УЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ. ОЛИЙ ЛИГА.

ЎША ҲИСОБ ҚАЙТАРИЛДИ

«Пахтакор» (Тошкент) —МҲСК (Тошкент) 0:1 (0:1) 16 октябрь. Тошкент, МҲСК ўнингоҳи....

Ҳакамлар: Т. Низомов, А. Петров, М. Ғафуров.

«Пахтакор»: Бугало, Алиев, Рўзимов, Бунтов Ширшов, Микляев, Эргашев, Отажонов, (Акопянц, 70), Бозоров, Абдураимов, (Тўрахўжаев, 66), Назаров.

МҲСК: Шейкин, Давлетов, Ашурматов, Файзиев, Қамбаралиев, Ивангородский, Ҳасанов, Қурбонов, Раҳмонқулов, (Насриддинов, 65), Ярашев, (Хутин, 85), Абдуллаев, (Дўрмонов, 69).

Бунтов, Эргашев, Ашурматов огоҳлантирилди.

87-дақиқада Бунтов майдондан четлатилди.

Биринчи даврадаги бу иккинчи рақиб учрашувини мухлислар яхши эслашади. Ўшанда гарчи битта кам ўйнаган бўлсада, омад пахтакорчиларга кулиб боқкан эди. Ўша учрашувнинг сўнгги дақиқаларида Дилмурод Назаров тўп киритиб, жамоанинг ютуғини таъминлаган бўлса, бу сафар ўйиннинг 3-дақиқасидаёқ Рустам Абдуллаев киритган тўп МХСКнинг ғалабасини таъминлади.

«Пахтакор» жиддий рақиб. Айниқса МХСК учун. Шунинг учун бош мураббий Рустам Мирсодиқов шогирдларига ўтган галгидек очиқ футбол эмас, балки бошқача усул қўллашни уқдирганлиги кўзга ташланди. Шундай учрашувлар бўладики, ким олдин тўп киритиб олса, ютуқ ўша томонга оғиб кетаверади. «Пахтакор»—МҲСК баҳси айнан ана шу фикрни исботлади. Албатта ҳар иккала жамоа ҳам майдонга фақат ғалаба қозониш учун чиқишганди. «Пахтакор» Муборак шаҳрида «Машъалга» 3 очкони «қўш қўллаб» топширгач, бу гал ўзини «оқламоқчи», МҲСК ҳам бир неча ўйинларда, жумладан, биринчи даврадаги «Пахтакор»га қарши учрашувда мухлисларини ранжитиб қўйгач, эндиги ўйин билан барча гиналарга барҳам бериб қўйишни мақсад қилиб қўйганди.

Бу гал МҲСК ўз майдонида «Пахтакор»нинг меҳмони сифатида қатнашди. Дастлабки дақиқалардаёқ жамоа саргори Шуҳрат Раҳмонқулов фаолликни ўз қўлига олиб, Абдуллаевнинг тўп киритиши учун қўлай шароит яратиб берди.

Киритилган тўпдан кейин ўйин яна қизғин тус олди. Қарама-қарши томонларга тинимсиз шиддатли ҳужумлар уюштирилиб турди. Пахтакорчилар ташкиллаштирган ҳужумларнинг аксариятида яна Равшан Бозоров яққол кўринди турди. Унинг жарима тўпларини маҳорат билан бажаришлари ҳар гал (жаъми 5 марта) Шейкин дарвозасига хавф соларди. Шунингдек, А. Абдураимов ва Д. Назаровларнинг алдамчи ҳаракатлар билан ҳужумга киришлари МҲСК ҳимоясини анча тер тўкишга мажбур қилди.

Бунга қарши армиячилар ҳам муносиб ўйин кўрсатишди. Февзи Давлетов, Бахтиёр Ашурматов, Нўъмон Ҳасанов, М. Қурбоновлар ташкиллаштирган ҳужумларни пахтакорчилар катта қийинчилик билан бартараф этишарди.

Бир сўз билан айтганда, ўйин тенг курашлар остида ўтди. Дарвозаларга бошқа тўп киритилмади. Лекин бир ҳодисани баён қилмасликдан ўзга чора йўқ. «Пахтакор» жамоасининг хавфли ҳужумларидан бири аниқ гол билан якунланиши мумкин эди. Бироқ сўнгги дақиқаларда уни ҳимоячи Февзи Давлетов қайтариб юборди. Кўпчилик мухлисларга ва пахтакорчиларга бу гол бўлиб кўринди. Бироқ, ҳакамлар уни инобатга олишмади. Шундан кейин «Пахтакор» футболчилари ён чизиқдаги ҳакам А. Петровга ташланиб қолишди. Футболчи В. Бунтов эса муштумзўрликкача бориб етди. Оқибатда уни бош ҳакам ўйиндан чиқариб юборди. Биз бу ерда ҳакамларни оқламоқчи эмасмиз. Лекин, тўқсон дақиқа ўйин давомида уларнинг қарорига бўйсунишдан ўзга чора йўқлигини наҳотки футболчиларимиз тушуниб етишмаса.

Сир эмас, бу мавсумда кўп ҳакамларимиз лаёқатсизлиги боис турли муддатларга ўз вазифаларидан четлатилди. Майдонда футболчи хато қилса, шериги уни тузатиб кетиши мумкин. Лекин ҳакам янглишса, унинг хатосини хеч ким тузатолмайди. Шунинг учун ҳакамларимиз ҳам эндиликда юксалиш йўлига кириб бораётган футболимиздан ортда қолиб кетмасликлари керак.

Равшан МУСУЛМОНОВ.

Қолган учрашувлар натижалари: «Сўғдиёна» — «Динамо» (С)—1:1, АСК— «Трактор» — 1:1, «Навбаҳор» — «Машъал» —5:0, «Дўстлик» — «Атласчи»— 4:3.

ТЎПУРАРЛАР

Ойдинбек Алиев («Атласчи») — 21;

Рустам Дўрмонов («Нефтчи») — 20;

Олег Шацких («Навбаҳор») — 20;

Жаъфар Ирисметов («Дўстлик»)— 18;

Зафар Мусабоев («Навбаҳор») — 15.

XXVII ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

	Ў	Ю	Д	М	Т—Н	О
«Навбаҳор»	27	22	3	2	80—19	69
«Нефтчи»	27	20	3	4	58—31	63
МҲСК	27	16	7	4	69—33	55
«Дўстлик»	27	15	4	8	46—33	49
«Нурафшон»	27	14	5	8	50—30	47
«Пахтакор»	27	14	3	10	46—27	45
«Атласчи»	27	11	3	13	44—53	36
«Трактор»	27	10	6	11	42—41	36
«Наврўз»	27	8	8	11	37—47	32
«Динамо» (С)	27	10	1	16	33—41	31
«Сўғдиёна»	27	9	4	14	38—50	31
«Янгиер»	27	9	3	15	41—49	30
«Косонсой»	27	8	3	16	28—57	27
«Машъал»	27	7	4	16	23—58	25
«Динамо» (У)	27	6	3	18	25—59	21
АСК	27	4	6	17	24—61	18

● ОБУНА-97

«ВАТАНПАРВАР» МУШТАРИЙЛАРИГА

Қадрли дўстлар! Жорий йил 25 сентябрдан 1997 йилга «Ватанпарвар» газетасига обуна бошланди.

«Ватанпарвар» газетаси ҳали ёш, бироқ ўтган қиёсан қисқа муддат ичида у Ўзбекистон Республикаси Қуролли жангчилари, уруш ва меҳнат фахрийлари, шунингдек, аҳолининг бошқа қатламлари орасида ўз нуфузига эга бўлди. Биз газетамизга ўз материаллари, ёритилаётган мақолаларга акс-садолари, фикр-мулоҳазалари, таклиф ва истаклари билан кўмаклашаётган муштарийларимиз ишончини юқори қадрлаймиз.

Бундан буён ҳам муштарийларимиз фикр-мулоҳазаларини диққат-эътиборимизга олишга, газетани янада ўқимишли қилишга чоғланганмиз.

«Ватанпарвар» газетасига обуна нашриётнинг обуна бўлими орқали ташкиллаштирилганида обуна ташкилотчиси нашриётга 2 нусхада буюртма, тўлдирилган абонементлар ва эълиб берувчи карточкалар, пул ёки уларни ўтказганлиги ҳақидаги банк поручениялари почта орқали жўнатиши ёки шахсан топшириши керак.

Бизнинг манзилгоҳимиз: 700031, Тошкент—31, Д. Кунаев кўчаси, 21, «Ватанпарвар» нашриёти.

Обуна учун ҳисоблар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар бошқармасининг ҳисоб-касса маркази орқали амалга оширилади.

Ҳисоб-рақами № 000341132, Банк коди 172682116, «Ватанпарвар» газетасига обуна шартлари республика каталогининг 1997 йил учун даврий нашрида келтирилган.

Газетамизга каталог бўйича обуна баҳоси қуйидагича белгиланган:

бир ой учун — 64 сўм;
уч ой учун — 192 сўм;
олти ой учун — 384 сўм;
ўн икки ой учун — 768 сўм.

Каталог баҳосига маҳаллий шароитлардан келиб чиққан ҳолда почта муассасалари томонидан белгиланадиган етказиб бериш ҳаражати ҳам қўшилади.

● УТМИШ СИНОАТЛАРИ

Дамашқ қиличининг сири

Нақл қилинишича, қароқчилар Дамашқ пўлатидан ишланган қиличларни чопон тагидан белларига қайириб боғлаб олишар, керагида эса қилич яна аввалги тик ҳолига кираркан.

Бу шунчаки бир афсона эмас. Ўта мустаҳкам пўлатларнинг эгилувчанлигини ошириш усуллари қадим араб мамлакатларида маълум бўлган, лекин бу нарса қаттиқ сир сақланиб, деярли бутунлай йўқ бўлиб кетган.

Араб ҳунармандлари бундай эгилувчан ва кескир қилич ясашда пўлатнинг юқори ҳароратда ишланишига катта аҳамият берганлар. Бундан ташқари, усталар турли хил тоблаш усулларини қўллашган. Баъзан бу усул даҳшатли, ҳатто қон тўкилиш ҳодисаларига сабаб бўлган. Чунончи, маълум ҳароратгача қиздириб меъёрига етказилгач, қилични яхши тоблаш учун буқа сонига ёки тани-жони соғ, кучли қул танасига тиқишган.

Бундай қиличларни тайёрлаш жараёни баъзан йиллаб давом этган. Сабаби шуки, қилич ясаладиган металл махсус мосламалар ёрдамида тариқ сингари майдаланган, сўнг уни донга аралаштириб товуқларга берилган. Сўнгра товуқ тезагидан металл доначалар ажратиб олиниб, қайта қуйилган. Шу тариқа тобланган пўлатдан қилич ясалган. Бундай қиличларнинг баҳоси бутун бир вилоятга арзигулик бўлган.

Дарҳақиқат, темир кўзимизга яхлит бўлиб кўрингани билан аслида майда доначалар (кристаллар) дан ташкил топган бўлади.

Стенфорд университети (АҚШ) олимлари Шерби ва Уодаворт Дамашқ пўлатини текширганларида, унинг таркибидаги углерод тенг тарқалганлиги, доначалари эса одатдаги пўлатларникига нисбатан 200 марта кичик эканлигини аниқлашган. Демак, доначалар қанчалик майдаланган бўлса, металлнинг эгилувчанлик даражаси шунчалик юқори бўлади. Бинобарин, олимларнинг фикрича, шу пайтгача номаълум ва йўқ бўлиб кетган, деб ҳисобланган Дамашқ пўлатларининг «сир»и уларнинг ўта эгилувчанлигини таъминлаган майда донали бўлишида экан.

60-йиллардан бошлаб АҚШда, кейинчалик Японияда металларнинг мазкур хусусиятидан фойдаланиб, мустаҳкам металлардан аниқ шаклдаги деталлар тайёрлана бошланди. Шунингдек, автомобиль кузовлари, ЭҲМларнинг корпуслари, самолётсозликда баъзи ўзига хос шаклга эга бўлган мураккаб деталлар ясалди.

Бу ўринда шуни ҳам айтиш керакки, Ўзбекистонда металлга босим билан ишлов бериб, унинг ўта эгилувчанлик ҳолатидан самарали фойдаланиш устида илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Икром НУЪМОНОВ,
техника фанлари номзоди.

Коллектив Министерства обороны Республики Узбекистан с прискорбием сообщает о безвременной кончине начальника Управления по делам обороны Ташкентской области
полковника
АСКАРОВА Тургунали
и выражает искреннее соболезнование родным и близким покойного.

Бош муҳаррир подполковник
И. Қ. АБДУКАРИМОВ.

АДРЕС РЕДАКЦИИ: индекс 700031, г. ТАШКЕНТ, ул. Д. КУНАЕВА, 21

ТЕЛЕФОНЫ: Зам. редактора — 56-17-98; отв. секретарь — 56-04-60. Отделы воинской службы и воспитательной работы — 69-45-55; по связям с государственными и общественными организациями — 56-02-49; массовой работы и спорта — 56-08-72; культуры и организации досуга — 56-03-48; социологии и рекламы — 56-54-76; подписки — 56-03-46; заказов — 56-18-44. Начальник издательства — 56-04-90; дежурный — 56-09-81; бухгалтерия — 56-03-82.

Письма, рукописи, фотографии и рисунки не рецензируются и не возвращаются. За достоверность фактов ответственность несет автор.

Позиция редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикуемых материалов.

Типография газеты «Ватанпарвар».

Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 50. Зак. 0489.